

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“МУМТОЗ ПОЭТИК АСАРЛАР
ТАҲЛИЛИДА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР”
модули бўйича
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент - 2016

**Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил
25 августдаги 355-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида
тайёрланди.**

Тузувчи:

Болтабоев X.,
ТошДҮТАУ профессори,
филология фанлари доктори.

Тақризчилар:

Ҳасанов С.,
Ўзбек тили ва адабиёти музейи
директори, филол. ф. д., проф.

Юсупова Д.,
ТошДҮТАУ доценти,
филология фанлари номзоди.

**Ўқув -услубий мажмуда ТошДҮТАУ Кенгашининг 2016 йил _____ даги ___-сонли
қарори билан нашрға тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	25
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	46
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	85
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	87
VII. ГЛОССАРИЙ.....	99
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	94

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Адабиётшунослик илмида мумтоз бадий асар таҳлили алоҳида тайёргарлик талаб қилувчи илмий-амалий жараён бўлиб, бунинг учун мумтоз поэтикага асос бўлган масалаларни ўрганиш назарда тутилади. Ушбу модул тизими барча тур ва жанрдаги мумтоз адабий асарлар таҳлилига бағишиланган бўлиб, замонавий адабиётшуносликда кўлланилаётган таҳлил усусларидан фойдаланилади. Ушбу модул доирасида адабиётшуносликдаги илғор педагогик ва ахборот технологиялари жалб қилинади ҳамда компьютер ёрдамида мумтоз асарни ўрганиш тамойилларига амал қилинган ҳолда бадий таҳлилга киришилади. Жамиятни демократлаштириш жараёнида ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилишда бу фан педагогларни мустақил фикрлашга ўргатади ва барча таҳлил жараёнларига ижодий ёндошишни шакллантиришга ёрдам беради.

Модулнинг мақсад ва вазифалари

Мумтоз адабий асарларнинг поэтика масалаларини ўрганиш замонавий таҳлил усусларидан бири бадий матнни таркибий ўрганиш асосига қурилади. Шунинг учун мумтоз тарихий поэтика асосларидан келиб чиқиб унинг таҳлил тамойиллари белгиланади ҳамда улар асосида мумтоз бадий асарни таҳлил қилишга киришилади. Таҳлил жараёнида ёзувчи (адиб) амал қиласиган ижодий қонуниятларни аниқланиб, уларнинг жанр, ритмик (вазн), қофия (шеърий асарлар учун) хусуиятлари таҳлилга тортилади. Биринчидан, таҳлил обьекти бадий матн бўлгани учун тугалланган асар ёки матн билан иш қўради. Иккинчидан, конкрет матн таҳлилида амал қилинадиган усул, услуг ва қонуниятлар ишлаб чиқиши назарда тутади. Шундан келиб чиқсан ҳолда мумтоз поэтика биргина асар ёки матнни ўрганиш учун эмас, балки, умуман, адабиёт тарихида муҳим ўрин тутган бадий асарлар таркибини ўрганишга қаратилади.

Модулнинг мақсадидан келиб чиқсан ҳолда унинг қуйидаги вазифалари

белгиланади:

- адабиётшунослик тарихида мумтоз тарихий поэтиканы ўрганувчи ва бадиий матн таҳлили бўйича шуғулланган мавжуд академик мактаблар фаолиятини ўрганиш;
- мумтоз бадиий асарлар поэтикаси манбалари (рисола, тазкира, илмий асарлар)ни ўрганиш;
- мумтоз асарларни таҳлил қилишдаги мавжуд ёндошувлар билан таништириш;
- педагогларда мумтоз матннинг структурал таҳлилига киришиш орқали асар моҳиятини англаш ва уни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш;
- мумтоз бадиий матнларни таҳлил ва тадқиқ этиш, улар асосида илмий-назарий хулоса ва ечимларга келиш.

Курс бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва лаёқатларига қўйиладиган талаблар

Ушбу модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

Тингловчи:

- мумтоз бадиий матнларни таҳлил қилувчи замонавий концепцияларни;
- мумтоз адабиётдаги тур ва жанрлар таснифи ва бадиий асар компонентлари;
- мумтоз поэтика асослари (ритмика, қофия, поэтик санъатлар) ва компонентларининг таркибий таҳлили;
- адабий-илмий мактаблар, уларнинг намояндлари;
- мумтоз бадиий матннинг талқини ва таҳлили массалалари
- янги ўзбек адабиётидаги мумтоз намуналарнинг жаҳон бадиияти хазинасидаги мақомини белгилашни **билиши керак**;

Тингловчи:

- мумтлоз бадиий матнни талқин этиш ва унга структурал муносабатда бўлиш;

- бадиий матннинг поэтик хусусиятлари ва уларни таркиблаш жараёнини тушунтира олиш;

- мумтоз матнларни услубий таҳлил этиш;
- адабий асар таҳлилидан адабий-назарий хулосалар чиқариш;
- илмий фикр ва мулоҳазаларни муайян тизим асосида ифодалаш;
- илмий таҳлил ва талқинда замонавий методологияни қўллай билиш;
- структурал таҳлилда эстетик таҳлил тамойилларига таяниш;
- бадиий матн таҳлилида структурал ва мумтоз поэтика тамойилларига амал қилиш *қўникмаларига* эга бўлиши керак;

Тингловчи:

- бадиий таҳлилда мумтоз матнга онтологик (тирик организм сифатида) ёндашув;
- услубий таҳлил жараёнида бадиий матн ва муаллиф услуби сирларини аниқлаш;
- таҳлил жараёнида поэтик лексика, фонетика ва поэтик синтаксис имкониятларидан фойдаланиш;
- матннинг ритмик таҳлилида вазн ўлчовларини қўллай билиш;
- бадиий тасвир воситаларининг матндаги ўрни ва вазифасини аниқлай билиш *малакаларини* эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- адабиётшунослик тарихи ва назарияси юзасидан эгаллаган билимлари асосида адабиётшуносликдаги мумтоз тарихий ва назарий поэтиканинг ўрни ва бадиий таркиблаш жараёнини тушунтира олиши;
- бадиий асарларни таҳлил қилишнинг анъанавий ва янгича усулларини фарқлаш, анъанавий мумтоз поэтика тамойилларига мумтоз бадиий матнлар таҳлили орқали эришиш, таҳлил жараёнида миллий мустақиллик ғояларига амал қилган ҳолда иш кўриши;
- адабий-бадиий таҳлил жараёнида мумтоз поэтиканинг ўрни ва амалий натижалари юзасидан умумлашма илмий хулосалар чиқара билиш ва бадиий матнни мустақил таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш лаёқатларига *эга*

бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Мумтоз поэтик асарлар таҳлилида замонавий усуллар“ модули маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий услублари, ахборот-мулоқот технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари ва бошқа интерфаол таълим усуларини қўллаш назарда тутилади.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Мумтоз поэтик асарлар таҳлилида замонавий усуллар” фани ўқув режадаги биринчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий ва маҳсус фанлар бўйича тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Фаннинг олий таълимдаги ўрни

Ушбу фанни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

Соатлар тақсимоти

№	Макзулар	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакили таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				жумладан		
			Жами	жумладан					
				Назарий машғулот	Амалий машғулот		Кўчма машғулот		
1	Мумтоз поэтика манбалари ва улар асосида бадиий матнни таҳлил қилиш тамойиллари	6	6	2	2		2		
2	Мумтоз бадиий матн таркиби ва уни таҳлил қилиш	6	4	2	2			2	
3	Бадиий матнда тимсоллар тизимининг таҳлили	6	6	2	2		2		
4	Мумтоз поэтикада бадиий нутқ	6	6	2	4				
5	Ритмика ва услубий таҳлил асослари	6	4	2	2			2	
	Жами:	30	26	10	12		4	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Асосий қисм

Назарий машғулот

1-мавзу. Мумтоз поэтика манбалари ва улар асосида бадиий матнни

таҳлил қилиш тамойиллари

Режа:

1. Мумтоз поэтика масалалари илмий тизим сифатида. Илмий ва бадиий таҳлил ўртасидаги нисбат.
2. Мумтоз поэтикада бадиий сўз ўрни.
3. Мумтоз бадиий матнни тизимли ўрганиш асослари.
4. Мумтоз поэтиканинг шаклланишида асос бўлган концепциялар

2-мавзу. Мумтоз бадиий матн таркиби ва уни таҳлил қилиш

Режа:

1. Мумтоз бадиий матнга хос хусусиятлар. Мумтоз асарларнинг ички курилиши.
2. Мумтоз адабиётшуносликда бадиий шакл ва мундарижа муносабати ва уларнинг компонентлари.
3. Бадиий шакл элементлари ва уларни таҳлил қилиш бўйича тавсиялар.
4. Мумтоз тарихий поэтиканинг категориялар тизими. Структур таҳлил предмети.

3-мавзу. Бадиий матнда тимсоллар тизимининг таҳлили

Режа:

1. Мумтоз адабиётда поэтик тимсол ва унинг бадиий матн таркибидаги ўрни.
2. Бадиий асадаги анъанавий образлар. Поэтик образ турлари ва уларни таҳлил қилиш тамойиллари.
3. Мумтоз бадиий матн сатҳлари ва уларни таркиблаш тамойиллари.
4. Тимсол ва бадиий санъатлар ўртасидаги муносабат.

4-мавзу. Мумтоз поэтикада бадий нутқ.

1. Бадий асар тили ва унинг структурал таҳлилдаги ўрни. Муаллиф нутқи: ровийлик.
2. Поэтик лексика: мумтоз адабиётда поэтик лексиканинг хусусиятлари. Шу асосга қуриладиган санъатлар.
3. Поэтик нутқ интонацияси ва фонетикаси. Шеъриятда вазн ва оҳангдорлик.
4. Поэтик синтаксис. Бадий матнда гап ва сўзнинг ўрни, уларнинг ўзаро муносабати. Синтаксис поэтик сатҳ сифатида.
5. Насрий асарлар синтаксиси ва уларнинг таҳлили.

5-мавзу. Ритмика ва услубий таҳлил асослари

1. Мумтоз поэтиканинг ритмик бирликлари таҳлили.
2. Наср ритмикаси ва шеърий нутқда ритм (аруз ва бармоқ).
3. Услуб тушунчаси ва услубий таҳлил вазифалари.
4. Бадий матн ва ёзувчи услуби. Муаллиф услубини ўрганиш тамойиллари.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАВЗУЛАРИ:

1-мавзу. Мумтоз поэтиканинг моҳияти ва бошқа поэтик шакллардан фарқланиш хусусиятлари.

Режа:

1. “Тарихий поэтика”, “Назарий поэтика” ва “мумтоз поэтика” истилоҳларининг ўзаро муносабати ва маъно қамровлари.
2. Мумтоз асарлар таҳлили ва талқини.
3. Мумтоз матн лингвопоэтикаси ва структурал таҳлили.
4. Мумтоз бадий матнга асосланган концепция ва назариялар тизими.

2-мавзу. Структурал таҳлилда адабий тур ва жанрлараро муносабат

Режа:

1. Мумтоз бадиий матнда ифода шакли (назм, наср)ни фарқланиш тамойиллари.
2. Мумтоз асарларнинг адабий тур жиҳатдан таснифи ва бир турдаги адабий асарлар таҳлили.
3. Жанр ва услугуб муаммолари. Адабий жанрда бадиий нутқ табиати.
4. Жанр ва шакл муносабати таҳлили. Адабий жанрларнинг шаклланиш омиллари.

3-мавзу. Мумтоз эпик асарлар таҳлили тамойиллари

Режа:

1. Мумтоз наср хусусиятлари. Насрий асарларда ровийлик ва муаллиф нутқи.
2. Йирик эпик жанрлар (достон, маснавий) таснифи ва уларни таҳлил қилиш усуллари.
3. Мумтоз ва замонавий қиссалар таҳлилида таркибийлик.
4. Мумтоз эпик асарлар таркибида тасаввуфий тимсол ва талқинлар.

4-мавзу. Мумтоз шеърий матнни таркиблаб тушуниш

ва таҳлил этиш тамойиллари

Режа:

1. Шеърий нутқ ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Мумтоз шеър навълари, уларнинг жанр ўзига хосликлари.
3. Мумтоз шеър ритмикаси. Аruz вазни талаблари асосида таҳлил.
4. Мумтоз қофия ва унинг структурал таҳлилдаги ўрни.
5. Мумтоз шеърий матнларда бадиий санъатлар ва уларнинг матн поэтикасидаги ўрни.

5-мавзу. Мумтоз шеър шакллари ва уларнинг таҳлили методикаси

Режа:

1. Лирик жанрлар ва уларнинг таҳлилидаги ўзига хосликлар.
2. Ҳозирги ўзбек шеъриятидаги мумтоз жанрлар ва уларнинг бадиий таҳлили масалалари.
3. Аруз вазнида ёзилган шеърларнинг ритмик бирликлари.
4. Катта лирик жанрдаги шеърлар (таркиббанд, таржеъбанд) ритмикаси.

6-мавзу. Мумтоз поэтика масалаларида анъанавийлик ва издошлиқ

Режа:

1. Поэтик анъана ва издошилик. Хамсанавислиқ (достончилик) анъанаси.
2. Мусаммат жанрига мансуб асарлар таҳлилида анъанавийлик.
3. Поэтик тимсолларнинг анъанавийлиги ва уларнинг таҳлили.
4. Поэтик талқинлар анъанавийлиги ва уларга муносабат.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

1. Мумтоз поэтика масалаларини ўрганишда ресурслар маркази имкониятларидан фойдаланиш (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида).
2. Мумтоз матнлар (қўлёзма, тошбосма ва нашр)нинг асл нусхалари билан ишлаш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- замонавий техник воситалар орқали маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тавсия этилган бадиий матнинг структурал таҳлилини мустақил ҳолда амалга ошириш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihalar echimi bўyicha daliillar va asosli aргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар echiminini topish қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Изоҳ
1	Кейс топшириқлари		1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари	2.5	0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

Фаннинг мавзуларини ўтишнинг информацион–услубий таъминоти

Дастурдаги мавзуларни ўтишда таълимнинг замонавий методларидан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижа беради. Бу борада ИНТЕРНЕТ сайкларига кириб, мавзуга доир адабиётлар билан таништирилади. Бадий матнни систем-функционал ўрганиш, Бадий асарда шакл ва мазмун муносабати, тимсоллар тизими, Адабий тур ва жанрлар таҳлили юзасидан тайёрланган слайдлар ва чизмалар кўрсатилади. Видео, аудиовизуал материаллардан фойдаланиб, амалий машғулот ва семинарнинг характеристига кўра “Муаммоли таълим”, “Ноанъанавий дарс”, “Мунозарали дарс” каби педагогик технологиялар типидан фойдаланилади.

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ахборот-коммуникациялари қўлланилиши назарда тутилган:

- Компьютер ёрдамида бадий матларнинг ритмик таҳлили;
- Структурал метод асосида бадий асарлар таҳлили (карточка, мультимедиа ёрдамида);
- Бадий нутқ асосида қаҳрамон ва муаллиф нутқини фарқлаш (слайдлар асосида).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-тахлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни тахлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Намуна: Мумтоз матнлар бўйича структурал тахлил имкониятларини жадвалга туширинг.

S	Мумтоз матнлар бўйича структурал тахлилнинг кучли томонлари	Максимал аниқлик билан ҳар томонлама холис хулоса чиқариши
W	Мумтоз матнлар бўйича структурал тахлилнинг кучсиз томонлари	Бадиий матндаги туйғулар тахлилини тўла амалга ошириб бўлмайди
O	Мумтоз матнлар бўйича структурал тахлил (ички) имкониятлари	Шакл ва мундарижанинг ҳар бир компонентларини жиддий

		микротаҳлилдан ўтказилади
Т	Тўсиқлар (ташқи)	Структурал поэтика бўйича тингловчиларнинг назарий билимлари етишмаслиги

Хулосалаш» (Резюме, Veer) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва кўчма машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.¹

¹ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 24

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва

Намуна:

Бадиий таҳлил тизимлари					
Герменевтик таҳлил (талқин)		Структурал (таркибий) таҳлил		Лисоний таҳлил	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш

тартибida қўлланилган². Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудиовизуал ҳаракат; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг

² Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 29.

Кейс. Кичикроқ бадиий (шеърий) матнни таҳлил қилиш учун кўрсаткич ишлаб чиқилади, мазкур методнинг ижобий ва салбий томонлари қиёсланади ва хзулоса чиқарилади.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириклар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурухда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнилмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади³.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;

³ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 32.



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Структурал таҳлил асосида мавжуд матнни мантиқан қисмларга ажратиш ва уни йиғиш ётади”.

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим оловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим оловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади⁴.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги

⁴ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 33.

маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



“Структура” деганда нимани тушунасиз?

- A. Юонча сўз бўлиб, таркиб маъносини англатади.
- B. Инглизча сўз бўлиб, таҳлил маъносини англатади.
- C. Юонча сўз бўлиб, талқин деган маънони англатади.
- D. Лотинча сўз бўлиб, бадий асар матнини англатади.



“Структурал таҳлил” қандай таҳлил тури?

- A. “Структурал таҳлил” - бадий таҳлил тури.
- B. “Структурал таҳлил” - илмий таҳлил тури.
- C. “Структурал таҳлил” - танқидий таҳлил тури.
- D. “Структурал таҳлил” - бадий асарни таркилаш орқали таҳлил қилишdir.



“Структурал метод”нинг лугавий маъносини биласизми?

- A. «Структура - таркиб», «метод - фан йўналиши» каби лугавий маънони англатади.
- B. «Структура - таркиб», «метод – ижод тури» каби лугавий маънони англатади.
- C. «Структура – таҳлил», «метод - фан йўналиши» каби лугавий маънони англатади.
- D. «Структура - талқин», «метод – илмий изланиш» каби лугавий маънони англатади.



Бадий матн илмий матндан қайси жиҳатлари билан фарқланади?

- A. Бадий матн образ яратиш орқали шакллантирилади, илмий матнда тушунча ва атамалар асосида фикр юритилади.
- B. Бадий матн роман ва хикоялар матни, илмий матн эса диссертациядир.
- C. Бадий матн ижодий тасаввур орқали яратилади, илмий матн илмий тафakkur асосига қурилади.
- D. Бадий матн вазн ва қоғияга асосланади, илмий матнда вазн ва қоғия бўлмайти

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таниширилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки грухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди⁵.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Бадиий матн	Нобадиий матндан ҳиссий-импресив ва нутқнинг бўёқдорлиги ва образли тафаккур билан фарқ қиласи	
Структура	Таркиб. Бадиий матн таркиби (қурилиши), унинг қисмларга ажратиб таҳлил қилиш	
Бадиий тимсол (образ)	Аниқ ва шу билан бирга умумлаштириш характеристига эга бўлган бадиий манзара ёки сиймо яратиш	

⁵ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 44.

Адабий тур	Матнни ифода хусусиятига кўра фарқлаш	
Адабий жанр	Ўз ифода шаклига, вазн бирликларига ва қофияланиш тизимиға эга бўлган мустақил шаклифй ифодаланиш	
Ритм, Ритмика	Бир маромда такрорланиб турувчи нутқий ҳаракат ва уни ўрганувчи соҳа	
Услуб	Муаллиф ижодининг ёки бадиий матннинг бектакрор ўзига хослиги	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Вени диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилади ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаллашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар⁶.

⁶ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 54.

Намуна: Ифода шакллари бўйича (шеърий ва насрий нутқ)



“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш қўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштиради ва групҳ аъзоларини ўз фикрлари билан групдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «груп баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа ваqt берилади⁷.

3. Барча кичик групкалар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-

⁷ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 61.

кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурӯҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади⁸.

«Структурал таҳлил кетма–кетлигини аниқлаш. Ўзингизни текшириб кўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гурӯҳ баҳоси	Гурӯҳ хатоси
Матнинг ташқи структураси					
Матнинг ички қурилиши					
Матни ўз ёзуvida ўқиши тажрибаси					
Матни ўз тилида ўқиб тушуниш (лугат ва изоҳ)					
Матн қисмларининг дастлабки талқини					
Қисмларга ажратилиб таҳлил қилинган матнинг мантиқий					

⁸ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 63.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1 - мавзу: Мумтоз поэтика манбалари ва улар асосида бадиий матннинг структурал таҳлили тамойиллари

РЕЖА

- 1.1.Мумтоз поэтика масалалари илмий тизим сифатида. Илмий ва бадиий таҳлил ўртасидаги нисбат.
- 1.2.Мумтоз поэтикада бадиий сўз ўрни.
- 1.3. Мумтоз бадиий матнни тизимли ўрганиш асослари.
- 1.4.Мумтоз поэтиканинг шаклланишида асос бўлган концепциялар

Таянч иборалар: мумтоз поэтика, манбалар, бадиий матн, таҳлил, тамойил, илмий тизим, бадиий таҳлил, тизимли ўрганиш, илмий концепция, адабиёт назарияси, замонавий концепциялар.

1. Мумтоз поэтика масалалари илмий тизим сифатида. Илмий ва бадиий таҳлил ўртасидаги нисбат.

Ҳар қандай назариядан мақсад, амалиётни енгиллаштириш. Агар назарий қарашлар амалий операцияларни енгиллатишга хизмат қилмас экан, у узоқ яшай олмайди. Илм ва амал бирлиги Қуръони каримдан тортиб барча сўфий алломаларнинг яшаш тарзи бўлганинг боиси шундан. Шундай экан, адабиёт назариясининг такомилидан мақсад ҳам охир-оқибат таҳлил жараёнини енгиллатишдан иборат. XIX асрда ҳали янги типдаги адабиёт назарияси шаклланмай туриб, *тарихий поэтика* қонуниятлари (А.Н.Веселовский) ишлаб чиқилди, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай

янгиланаётган адабий жараён натижалари (асарлари)ни таҳлил қилишда тарихийлик принципи билан ёндашиш замонавийлик нуқтаи назаридан тўғри келмаслиги илмда аниқлангандан кейин *назарий поэтика*га эҳтиёж туғилди. Ўз даври олимлари бу “эҳтиёж фарзанди”ни етарли баҳолай олмаган бўлсалар ҳам, назарий поэтика масалалари адабиёт назариясининг асоси бўлиши керак деган таомилга яна юз йилча муддатдан кейин (Н.Д.Тамарченко) қайтилди. Бироқ адабиётнинг асосий таҳлил объекти матн ва унинг структураси деган қатъий қарорга яқинланиши билан (М.Ю.Лотман) структурал поэтика эҳтиёжи кун тартибига чиқди. Бироқ бу навбатдаги эҳтиёжлар мафкуравий талқин асосига қурилган адабиёт назарияларига сингиши мумкин эмаслиги ўздавридаёқ аён бўлди ва ниҳоят, иттифоқ тарқалиб, миллий адабиёт намуналарини ўз тили ва эҳтиёжлари доирасида ўрганилиши зарурати туғилганда структурал поэтика адабиёт назариясининг асосига қўйилиши керак, деган муддаога кўчилмоқда. Бунинг сабаби И.Виноградовдан (1928) тортиб, Л.Тимофеев, М.Алексеев, Г.Поспелов ва ниҳоят, ҳар қанча замонавийлаштирилгани билан В.Хализев назариялари мана шу асосга қурилган эди. Буларнинг барчаси учун санъат ижтимоий онг шаклларидан бўлиб, сўз санъати деб аталувчи бадиий адабиёт ҳам, ижтимоий онг шакли сифатида борлиқни ўрганувчи восита (литература есть познание действительности) деб қаралган. Шу нуқтаи назардан адабиёт назарияси уч қисмдн: бадиий адабиёт моҳияти, адабий асар ва адабий жараён масалаларидан келиб чиқиб қаралган⁹. Н.Д.Тамарченко раҳбарлигидаги муаллифлар гурухи томонидан тавсия этилган сўнгги адабиёт назарияси юқоридаги андозадан бутунлай воз кечиб, назарий қарашлар таҳлил жараёнига кўмак берувчи тарихий ва назарий поэтика асосига қурилди. Бизнингча, гарчи кеч бўлса-да, адабиёт назарияси ўзининг муқаддас вазифаси - бадиийлик қонуниятларини ўрганишга киришар экан, у поэтика назариясидан узоқлашиб кетмаслиги керак. Шунинг учун ҳам энди санъатга ижтимоий онг шаклигина эмас, кишилар ўртасидаги коммуникатив жараён

⁹ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 65.

(муомала эҳтиёжи) сифатида қаралар экан, санъатнинг ўзига хос коммуникатив “тили” мавжудлиги исбот этилган экан, энди объект, умуман, онг шакли эмас, балки ўша онгнинг матндаги фойдасига кўчди. Табиийки, бадиий матн адабиёт назариясининг бирламчи объектига айланди. Энди мана шу матн таҳлилини ўрганувчи фанлар – тарихий ва назарий поэтика адабиёт назариясининг асосига қўйилиши зарурат бўлил қолди. Бироқ санъат асарини, айниқса, замонавий модерн услубидаги асарларни фақат тарихий поэтика қолилари доирасида ўрганиш, унинг ҳаракатланаётган, тирик ҳужайрасига нотқри ёндашув экани ҳам маълум бўлмоқда. Шундай экан, бадиий матнга тирик организм сифатида ёндашадиган, унинг тириклик белгиларига хиёнат қилмаган ҳолда таҳлилга тортадиган методикага эҳтиёж туғилмоқда. Назаримда, структурал поэтика ўз таҳлил сифати билан ана шу масъулиятни зиммасига оладигандай тасаввур бермоқда. Чунки унинг объекти умуман ёки мавхум тарздаги дунёқараашлар йиғиндиси бўлган ғоявий-бадиий бирлик эмас, балки бадиий матн ва унинг структураси. Матндагига ёзувчининг маҳорати ҳам, тил материалидан фойдалана билиш салоҳияти ҳам, замонавий ёки анъанавий ифода воситаларига мурожаати ҳам, борингки, ғоявий эътиқоди ҳам акс этади. Шунинг учун ҳам бадиий матн ва унинг таҳлил адабиёт назариясининг доимий муддаоси экан, у структурал таҳлилни инкор этиб ёки уни айланиб ўтиб, назарий жиҳатдан ҳам, амалиётта муқобиллик жиҳатидан ҳам янги адабиёт назарияси яратиб бўлмайди. Менимча, ҳозирги ядабиёт назарияларининг энг янгиси тарихий ва назарий поэтикама асослангани каби, келажакда яратилажак адабиёт назариялари структурал поэтикама асослансанда ажаб эмас. Ана шу умид ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда структурал метод ва структурал поэтика моҳиятини ўрганишга чоғландик...¹⁰

Адабиётшуносликда структурал метод мавжуд ва бошқа методлари яшаётган экан, бунинг филология илмидаги ўрнини таъкидлаш баробарида тилшуносликдаги «структур лингвистика» каби “структурал

¹⁰ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P68.

адабиётшунослик” деб аташга ҳали эрта эканини таъкидламоқчимиз. Бизнингча, адабиётшунослик айнан шундай атамани тўлиғича қабул қилмаса керак. Чунки тилшунослик илми, хусусан, назарий тилшунослик кўпинча формал методлар билан иш кўради ва унинг муайян қисмини «структур лингвистика» деб қабул қилинган. Шунингдек, Ю.Лотманнинг асарларини нашрга тайёрлаган М.Лотманнинг фикрича, «бадиий адабиётнинг лингвистик тадқиқоти (структур лингвистика методини қўлласа ҳам) моҳиятан антиструктурал характерга эга, чунки улар адабиётнинг алоҳида элементи ва аспектини унинг умумий функциясидан ажратиб, табиий тил феноменининг принципларига мослаб таҳлил қиласидилар”¹¹.

Адабиётшуносликда структурал поэтика, асосан, таҳлил тамойиллари тизими сифатидагина мавжуд. Адабиётшунослик нисбатан кенгроқ фан соҳаси бўлгани учун унинг бағрида эса таркибий методдан ташқари бир вақтнинг ўзидан бошқа таҳлил методлари ҳам яшши мумкин. Қолаверса, адабиёт илмининг имкониятларини биргина “структурал” истилоҳига бўйсундириб, унинг маълум қисмини “структурал адабиётшунослик” деб аташ мақсадга мувофиқ эмас. Структурал метод ҳам ўз навбатида тарихий поэтика, назарий поэтика ва қиёсий адабиётшуносликдаги мавжуд таҳлил усусларидан имкон қадар фойдаланган ҳолда иш юритади¹².

Структур таҳлил илдизлари дастлабки мифлар ва уларнинг талқини билан боғлиқ. Француз структуралисти Клод Леви-Стросс структур талқин учун асос берувчи метафорик тафаккур илдизини (“Ёввойининг фикри”, “Мифологик” каби ишларида) мифологик тафаккурда кўради. Унингча, тафаккур ўзига хос жиҳатига кўра (ҳиссий босқичдаги фикр, ўз мақсадига эришиш йўллари билан, унсурларнинг майший танловини қайта таснифлаш орқали в. б.) дастлабки пайтларданоқ рационал бўлган, тасниф ва таҳлилга қобилиятли ва “неолит техник инқилоби” учун интеллектуал база саналган. Шунинг учун ҳам Леви-Стросс мифик тафаккурнинг чуқур метафорик

¹¹ Лотман М. Послесловие: Структуральная поэтика и ее место в наследии Ю.М.Лотмана / В кн. Ю.М.Лотман. Структура художественного текста. – М.: 1998. стр.34

¹² Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 70.

характерини кузатишни, муайян ўзгаришдаги "хабар", "код" ва "арматура"нинг бир сюжетларни бошқаларининг метафорик трансформацияси сифатида ўзгаришини таклиф қиласиди¹³.

2. *Мумтоз поэтического языка в литературе*.

Мумтоз адабиётда "сўз" бир неча маъноларда келиши мумкин:

1. Куръони карим маъносига. "Сўз ерга яшил кўклам тушди" дейилади "Кутадғу билиг"да.
2. Лавхул маҳфуз-азал ва охират китоби маъносига.
3. Дунёнинг бошланиши ва охири маъносига. Дунё кун сўзидан яралган.
4. Сўз бадий адабиёт ёки ёзма асарлар маъносига.
5. Адабиётнинг бадийлик хусусияти-табиати маъносига.
6. Лафз - лексема маъносига.

Мумтоз адабиётшуносликда сўзнинг бадийлик хусусияти ёки асарнинг бадийлик табиатини ўрганиш учун маҳсус илмлар мавжуд бўлиб, бу илм энг умумий маънода "илми адаб" деб юритилади. "Илми адаб"-филологик илмлар йиғиндиси маъносига келади. Адабиётшунос Б.Валихўжаев "Ўзбек адабиётшунослиги тарихи" китобида илми адабнинг ўндан ортиқ соҳаларини келтиради. Улар лугат (лексикология маъносига), сарв (морфология), нахв, илми калом, илми бадеъ (бадий санъатлар), илми аруз, илми қоғия, адабий навлар маъноларида ё маъноларини ифодалайдиган соҳалардан иборат¹⁴.

Бадий сўз табиатини ўрганганда дастлаб унинг зоҳирий ва ботиний маъносини, яъни сурат ва маъно муносабатини ўрганишга тўғри келади. Ҳар бир маъно муайян шаклга эга, ҳар бир шакл эса маълум маънони ифода қиласиди, улар ўзаро бирлик ҳолидагина ўқувчига етиб бориши мумкин. Маънонинг ўз жиҳатлари бўлгани каби шаклнинг ҳам ўз унсурлари мавжуд

¹³ Мелетинский Е. М. Возникновение и ранние формы словесного искусства / История всемирной литературы. Т. 1. - М.: Наука, 1983. - С. 29.

¹⁴ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 72.

бўлади. Ана шу муносабатларни ўрганиш натижасида калом бадеъ, аруз ва қофия илмлари вужудга келган.

Муаллими соний Абу Наср Форобий "Китобу-ш-шеър" асарида Арастунинг "Поэтика" китобини шарҳлаб берган ва бадиий сўз дейилганда, адабиётнинг қайси жиҳатларига эътибор бериш заруратини қўрсатган. Бадиий асарда ҳаётий ҳақиқат ва тўқима муносабати, асарнинг бадиийлигини таъминловчи ритм, жанр бадиий воситалар каби ҳолатларга эътибор берилади. Табиатда одам бор, бадииятда одам акси бор.

3. Мумтоз бадиий матнни тизими ўрганиши асослари.

Сўзнинг бадиийлик хусусияти ҳақида гап кетганда, турк ва форс адибларининг йирик асарлари таркибида ҳам назарий маълумотлар келтирилиши мумкин. Бундай маълумотларни Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадғу билиг", Кайковуснинг "Қобуснома" асаридан келтирилган намуналар орқали билиб оламиз.

XII асрда яшаган шоир ва олим Низомий, Арузий Самарқандий "Чаҳор мақола" номи билан машҳур бўлган асар яратган. Ушбу асарнинг иккинчи қисми шеър илмининг моҳияти ва шоирлик салоҳияти ҳақида. Муаллиф ушбу асар орқали шеър илмига қўйиладиган талаблар, шоир бўлиш учун бажариладиган амаллар ҳақида мулоҳаза билдирган.

Табиб Аҳмад Юғнакийнинг "Хибат ул-ҳақойик" асарида сўзнинг бадиий имкониятлари ва тил одоби ҳақида фикр баён қилинган.

Сайфи Саройи "Гулистони бит-туркий" асарининг муқаддимасида жаҳон шоирларини ўзича тасниф қилиб, уларни булбул ва зоғлар воситасида тушунтирган.

Абдураҳмон Жомий достонларининг таркибида ҳам улуғ шоирлар хотираси ҳақида, сўз ва қалам фазилати ҳақида ва баландпарвоз, аммо танбехга муҳтоҷ шоирлар ҳақида фикр баён қиласи. Жомий талқинида, сўз сайқали дил зангини ювади, дунёда қанча тилсим бор бўлса, уларнинг калити сўздир деган хulosага келади.

Алишер Навоий асарларида бадиий сўз табиати ҳақида жуда кўп мулоҳаза айтилган. Улар махсус илмий асарлар таркибида ҳамда бадиий асарлар таркибида учрайди. "Хазойину-л-маоний" ва "Хамса" муқаддимасида, "Ҳайрату-л-аброр" достонида, "Саббаъи сайёр" достонлари таркибида бундай мулоҳазаларни учратамиз. Шунингдек, "Назму-л-жавоҳир", "Арбайн" сингари асарларида ҳам бадиий сўз санъатига оид тўртлик учрайди.

"Ҳайрату-л-аброр" достонида сўз таърифига алоҳида боб бағишиланган. Навоий таърифида "сўз башар юлдузининг сипехри, инсон зотининг жавҳари" сифатида таърифланади.

Сўзга бундай эътибор берилишининг сабаби, сўз яратганинг буюк мўъжизаси, дунёнинг ибтидоси сифатида талқин этилади.

"Назму-л-жавоҳир" асарида инсоннинг шарифлиги сўз билан эканлиги уқтирилади. Сўз инсонга истеъдод сифатида берилган экан, сўзни таниш истеъдоди ҳам инсонларга берилган. Бунинг учун шоир сўзнинг тузук қоидаларини яхши билиши, сўзга санъат асари сифатида қарashi керак бўлади.

Бадиий сўз ҳақидаги қарашлар илмий рисолаларда ўзининг тугал аксини топган. Шайх Ахмад Тарозийнинг "Фунуну-л-балоға" асари адабиётшуносликнинг беш муҳим хусусиятига бағишиланган. Улар:

1. Адабий навлар ва шеърий шакллар.
2. Аruz илми.
3. Бадиий санъатлар.
4. Кофия илми.
5. Муаммо илмига бағишиланган.

Асарнинг сўнгги бешинчи қисми бизгача етиб келмаган.

XIV-XIX асрларда сўзнинг бадиийлик табиатига доир қарашлар турли асарларда акс этган. Айниқса, Фузулий, Амирий, Нодира, Оғаҳий девонларининг дебочаларида бундай қарашларни учратамиз. Фузулий девонининг дебочасида ғазал ва қитъа жанрига оид назарий фикрлар мавжуд.

Амирий ва Огаҳий девонларида эса сўзнинг маъно гўзалликлари, бадиий санъатлари ҳақидаги қарашларини учратамиз.

Шоир Фурқат махсус шеърий рисола яратиб, "шоир аҳволи ва шеър муболагаси хусусида" деб сарлавҳа қўйган. Демак, шоир ва шеър муносабати ушбу манзуманинг асосий мавзуидир.

XX аср бошларида изчил суратда таркиб топган адабиётшунослик илми шаклланди. Адабиётшуносликнинг фан сифатида шаклланишида жадид адабиётининг вакиллари Беҳбудий, Қодирий, Чўлпон мақолалари, Фитрат, А. Саъдий ва Валуд Маҳмуднинг илмий-танқидий қарашлари асос бўлди. Натижада, ғарб андозасига тўғри келадиган адабиёт назариясини шакллантиришга киришилди.

30-йилларнинг ўрталаригача давом этган бу илмий жараёнда Фитратнинг "Адабиёт қоидалари", "Аruz ҳақида" қўлланмалари, А.Саъдийнинг "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари" эътиборли манба бўлди. Валуд Маҳмуднинг "Бугунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз" туркум мақолаларида ҳам айrim назарий муаммолар талқини берилган.

Назорат саволлари

1. Мумтоз поэтика тизимидағи фанлар доирасини аниқланг.
2. Илми адаб (филология) таркибида таҳлил учун қайси соҳалар зарур бўлади?
3. Бадиий сўзнинг луҳавий ва истилоҳий маънолари қайсилар?
4. Поэтиканинг соҳалари қай силар?
5. Мумтоз поэтика қайси тамойилларга асосланади?
6. Тарихий ва назарий поэтика ўртасидаги муносабат қандай?
7. Мумтоз поэтиканинг манбаларини аниқланг?
8. Аruz тизимиға доир мумтоз манбалар ва уларнинг поэтикадаги ўрнини белгиланг.
9. Илми қофия мумтоз поэтика таркибида қандай хусусиятлар касб этади?

10. Структурал поэтика имкониялари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шарқ мумтоз поэтикаси (тузувчи Х.Болтабоев). – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти, 2008.
2. Болтабоев Х. Адабиёт энциклопедияси. – Т., 2015.
3. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Наука, 1989.
4. Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии. Анализ поэтического текста. – Санкт-Петербург, 1996.
5. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Наука, 1990.
6. Cohen J. Structure du langage poetique. Paris: Flammarion, 2066.
7. Jakobson R. Essais de linguistique generale. Paris, Minuit, 2009, ch. 11
8. Ruwet N. L'analyse structurale de la poesie // Linguistics, 2, dec. 2013.
9. Analyse structural d'un poeme francais // Linguistics, 3, janv. 1964.
10. Nerys Williams. Contemporary Poetry. Edinburgh University Press, 2011.

2 - мавзу: Мумтоз бадий матн таркиби ва уни таҳлил қилиш

РЕЖА

- 2.1. Мумтоз бадий матнга хос хусусиятлар. Мумтоз асарларнинг ички қурилиши.
- 2.2. Мумтоз адабиётшуносликда бадий шакл ва мундарижа муносабати ва уларнинг компонентлари.
- 2.3. Бадий шакл элементлари ва уларни таҳлил қилиш бўйича тавсиялар.
- 2.4. Мумтоз тарихий поэтиканинг категориялар тизими. Структур таҳлил предмети.

Таянч иборалар: мумтоз матн, бадиий мат, асарнинг ички қурилиши, бадиий шакл, мундарижса, компонентлар, шакл элементлари, таҳлил ва талқин, мумтоз тарихий поэтика, категориялар, структура, таҳлил предмети.

Муайян шакл воситасида ифода қилинадиган фикр, гоя йифиндиси мазмун дейилади.

Шакл:

1. Образ
2. Сюжет
3. Композиция
4. Бадиий нутқ

Мазмун:

1. Фоя
2. Муаммо
3. Мавзу

Мумтоз адабиётшуносликда шакл ва мазмун муносабати қадимдан мавжуд бўлган бўлса ҳам асосан исломдан кейинги адабиётшуносликда муайян илмий тизимга кирган. Чунки Куръони каримда шакл ва мазмун муносабати ҳақида муайян қарашлар бор. Ундаги талқинга кўра, шакл ва мазмун жуз ва кулл (лугавий маъноси бутун ва бўлак) муносабати орқали англашилади. Жуз мутлақ борлиқ, илоҳ деб берилса, кулл унинг акс этиши, тажаллиси сифатида тушунирилади. Демак, шакл ва мазмун Куръоний асосга кўра мутлақ моҳият (илоҳ) ва унинг яралиш воситалари, аксланувчи манбалари тарзида талқин қилинади.

Шакл ва мазмун муносабати дастлаб юонон алломалари Арасту ва Афлотун асарларида акс этган. Унга шарҳ ёзган Форобий бадиий шаклнинг айрим ифода усувлари, хусусан, жанрларини изоҳлаб кўрсатган.

IX-XV асрлар адабиётшунослигига сурат ва маъни дейилганда, бадиий асардан тушунилаётган маъно, мазмун, шакл дейилганда эса унинг лафзий жиҳати-сўз орқали ифодаси кс этган. Шу каби А. Жомий ва А. Навоий асарларида ҳам шакл ва мазмун бирлиги кўрсатилган. Жомийнинг талқинича, лафз маънонинг зоҳиридир, маънини сўз ва тилсиз ифода қилиб бўлмайди.

Чуқур маъно бериш учун эса кўркли лафз керак. Маъно лафз билан гўзал бўлгани каби лафз ҳам маъно гўзаллиги билан кўркли бўлади¹⁵.

Алишер Навоий "Ҳайрату-л-аброр" асарида сурат ва маъни ҳақида фикр юритиб, "Бир неча сўз ул маънидаким, сўздаги маъни жомедурур. Сўз қолиби онсиз қолубэ... ким жонсиз ва ани топмоқ ишини киши билмас, балки ани топқон киши топилмас", деб ёзади.

Демак, Навоий талқинида маъно-сўз қолипининг жонидир. Жонни қолипдан (жасаддан) ажратиб бўлмайди. Маъни ва сурат ажралмас бир моҳиятдир. Уни шеърда кўрмоқчи бўлганлар уларни бир бутунликда кўришлари, вазн ва баҳр каби зоҳирий жиҳатларни шеърнинг маъносидан ажратмасликлари керак.

Мумтоз адабиётшуносликда маъно шаклнинг жавҳари, ядроси бўлиб келади. Шакл эса маънонинг ифода йўсини тарзида қабул қилинади.

Фаридиддин Аттор шакл ва маъни ҳақида сўз юритганда, "Жавҳару-зот" асарида "жавҳар"-асос сифатида мутлақ руҳнинг сирини белгилайди. Мутлақ рух, яъни Ҳақ (кулл-бутун) инсоний, маҳлуқий ёки нарсалар суратида зоҳир бўлади. Нур орқали рух ифодаланади.

Жалолиддин Румий фалсафасида маъни ишқ талқинида кўринади. Сурат ишқ нуридир. У ишқсиз қийматдан маҳрум бўлади. Ишқ маъно-моҳият касб этар экан, демак, у маъни билан бир бутундир. Маънининг нури эса сурат билан гавдаланади. Ишқ бўлмаса нур бўлмайди. Ишқнинг ўзи нурсиз, суратсиз бизга етиб келмайди. Шундан келиб чиқсан ҳолда маъни суратга, шаклга, нурга қўйилади. Шакл, яъни сурат эса мазмунга айланиб маънини ифода қилинади.

XX аср ўзбек адабиётшунослигига шакл ва мазмун бирлиги анча жиддий ўрганилган. Дастробки адабиётшунослик руҳидаги асарлар "Адабиёт қоидалари", "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари" китобларида шакл ва мазмун бир бутун яхлитликда қаралган. Фитрат талқинида бадиий асарнинг мазмуни "Ёзиш қоидалари" рукни остида берилади ҳамда мавзу, тилак (ғоя),

¹⁵ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 74.

муаммо, унинг жиҳатлари сифатида кўрсатилади. Бадиий шакл ва уни тутиб турувчи ҳодисалар сифатида тимсол (образ), тартиб (сюжет), таркиб (композиция), тил услуб (бадиий нутқ) ҳодисалари келтирилади. Айниқса, Фитрат томонидан услуб тушунчаси анча кенг тушунтирилади, услубнинг умумий ва хусусий ҳоллари англатилади.

Абдураҳмон Саъдий асарида эса тил бадиий асарнинг бирламчи унсури деб қаралади. Мазмун ифода қилиниши мумкин бўлган барча жиҳатлар тилда ифодаланади. Мана бу қарашлар замонавий адабиётшуносликдаги шакл ва мазмун муносабатини изчил тушунтириш учун асос бўлиб хизмат қилган.

Назорат саволлари

1. Мумтоз матнларга хос хусусиятлар қайсилар?
2. Бадиий матндаги мавжуд сатҳлар таснифи қайсилар?
3. Мумтоз асарларни ички таркиби нималардан иборат?
4. Шакл ва мазмун муносабати мумтоз поэтикада қандай акс этган?
5. Шакл компонентлари (элементлари) қайсилар?
6. Сюжетдан ташқари композицион воситалар қайсилар?
7. Структурал таҳлилда иштирок этадиган шакл ва мазмун элементлари қайсилар?
8. Эпос сатҳини ташкиллантирувчи жанрлар қайсилар?
9. Гарбда лирик сатҳни ташкиллантирувчи жанрлар қайсилар?
10. Мусулмон шарқида лирик сатҳни ташкиллантиурчи қайси жанрларни биласиз?
11. Лиро-эпик жанрлардан қайсилари структурал таҳлилда иштирок этади?
12. Структурал таҳлилда иштирок этувчи драматургик жанрлар?

Адабиётлар ва интернет ресурслар

1. Жирмунский В.М. Теория стиха. – М.: Наука, 1975.

2. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. Т.: Янги аср авлоди, 2011.
3. Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.
4. Wilpert G. von. Sashwörterbuch der Literatur / 7. Aufl/ Stuttgart.
http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html
5. Barthes Roland. A propos de deux ouvrages de Claude Levi-Strauss: Sociologie et socio-logique // Informations sur les Sciences sociales. Unesco, dec. 2012. I, 4.
6. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. Т.: Янги аср авлоди, 2011.
7. Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.
8. Wilpert G. von. Sashwörterbuch der Literatur / 7. Aufl/ Stuttgart.
http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html
9. Barthes Roland. A propos de deux ouvrages de Claude Levi-Strauss: Sociologie et socio-logique // Informations sur les Sciences sociales. Unesco, dec. 2012.
10. Nerys Williams. Contemporary Poetry. Edinburgh University Press, 2011

3 - мавзу: Бадиий матнда тимсоллар тизимиининг таҳлили

РЕЖА

1. Мумтоз адабиётда поэтик тимсол ва унинг бадиий матн таркибидаги ўрни.
2. Бадиий асардаги анъанавий образлар. Поэтик образ турлари ва уларни таҳлил қилиш тамойиллари.
3. Мумтоз бадиий матн сатҳлари ва уларни таркиблаш тамойиллари.
4. Тимсол ва бадиий санъатлар ўртасидаги муносабат.

Таянч иборалар: поэтик тимсол, бадиий матн таркиби, анъанавий образлар, образ турлари, таҳлил тамойиллари, бадиий матн сатҳлари, таркиблаш тамойиллари, тимсол ва бадиий санъатлар.

Назорат саволлари

1. Кишилар образларини англатувчи поэтик тушунчалар қайсилар?
2. Мумтоз поэтиканинг образла тизимиининг структурасини белгиланг.
3. Поэтик тимсолни шакллантирувчи омиллар қайсилар?
4. Бадиий асар таркибидаги анъанавий образлар ва уларнинг матннаги ўрни қандай?
5. Бадиий таҳлил тамойиллари қайси маъноларни ўзида жамлаган?
6. Бадиий матн сатлари ва таркибллаш тамойилларини аниқланг.
7. Бадиий тимсол назарияси ва унинг асосий тамойиллари.
8. Бадиий тимсоланинг бадиий санъатларга муносабати қандай?
9. Услуб тушунчасининг истилоҳий жиҳатлари қайсилар?
10. Услуб ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қайсилар?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шарқ мумтоз поэтикаси (тузувчи X.Болтабоев). – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти, 2008.
2. Болтабоев X. Адабиёт энциклопедияси. – Т., 2015.
3. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Наука, 1989.
4. Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии. Анализ поэтического текста. – Санкт-Петербург, 1996.
5. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Наука, 1990.
6. Cohen J. Structure du langage poetique. Paris: Flammarion, 2066.
7. Jakobson R. Essais de linguistique generale. Paris, Minuit, 2009, ch. 11
8. Ruwet N. L'analyse structurale de la poesie // Linguistics, 2, dec. 2013.
9. Analyse structural d'un poeme francais // Linguistics, 3, janv. 1964.
10. Nerys Williams. Contemporary Poetry. Edinburgh University Press, 2011

4-мавзу. Мумтоз поэтикада бадий нутқ

РЕЖА

1. Бадий асар тили ва унинг структурал таҳлилдаги ўрни.
Муаллиф нутқи: ровийлик.
2. Поэтик лексика: мумтоз адабиётда поэтик лексиканинг хусусиятлари.
Шу асосга қуриладиган санъатлар.
3. Поэтик нутқ интонацияси ва фонетикаси. Шеъриятда вазн ва оҳангдорлик.
4. Поэтик синтаксис ва унинг асосий хусусиятлари.

Таянч иборалар: *мумтоз поэтика, структурал таҳлил, муаллиф нутқи, ровийлик, поэтик лексика, санъатлар, нутқ интонацияси, фонетика, вазн ва оҳангдорлик, поэтик синтаксис.*

1. Бадий асар тили ва унинг структурал таҳлилдаги ўрни. Муаллиф нутқи: ровийлик.

Бадий адабиётда фикр ифодаси, уни санъат сифатида нафис қилиб тасвирлаш масаласи қадимдан мавжуд. Бу анъана қадимги турк ёдгорликлари, жохилия даври араб шоирларининг ижодида ва форс тилида битилган қадимги йилномаларда ҳам учрайди. Шуни таъкидлаш керакки, биз бадий санъатлар деб ўрганаётган поэтик ҳодисалар нафақат араб-форс-турк шеъриятида, балки бутун дунё адабий тажрибасида учрайди. Лекин исломдан кейинги давр араб ва форс олимлари шеърий санъатларга алоҳида илм тури сифатида қарашган. Бундай поэтик санъатлар нафақат шеърий асарлардан, балки насрый асарлардан ҳам олиниб таҳлил этилган¹⁶.

¹⁶ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 80.

Араб мумтоз поэтиказининг бу соҳадаги дастлабки асарлари Ибн Мўътаззинг "Китобу-л-бадеъ" асарида муаллиф Қуръони карим таркибида келган санъатларни шарҳлаган. Кейин эса пайғамбар ҳадисларидан, чаҳорёrlар ҳикматларидан мисоллар келтирган. Ва ниҳоят бу шоирнинг сўзларидандир деган руҳи билан бошқа шоирлар асарларидан мисоллар келтирган. "Китобу-л-бадеъ"да бадий санъатларнинг 12 та тури келтирилган.

Ибн Мўътазздан ташқари бадий санъатлар ҳақида Наср бинни Ҳасаннинг "Маҳосину-л-калом" ("Чиройли сўзлар"), Қудама ибн Жафарнинг "Нақду-л-шеър" ("Шеър танқиди") каби асарларида кейинроқ эса Ибн Хавуннинг "Муқаддима" асарида акс этган. Булардан ташқари фақатгина Қуръони каримдаги бадий санъатлар тафсири ҳақида Абу Ҳилол Аскарийнинг "Китобу-с-санъатайн" ("Санъатлар китоби"), Ибн Рашиднинг "Ал унда", Бақуллонийнинг "Ижози Қуръон" асарларида акс этган.

Форс тилида бадий санъатларга бағишланган асарлар орасида нисбатан қадимгиси Умар Родуёнийнинг "Таржимону-л-балоға" ("Балоға таржимони") асарлариdir. Форс тилида яратилган барча илми бадеъга оид асарлар ушбу манбаларга мурожаат қиласи ва Родуёний асарларидағи анъанани, яъни санъатлар кетма-кетлигини сақлашга ҳаракат қиласи.

"Таржимону-л-балоға"дан кейин форс тилида Рашидиддин Вотвот, Самарқандий, Атауллоҳ Ҳусайний каби олимлар бу соҳада илмий рисолалар яратганлар. Форс тилидаги манбалар орасида нисбатан мукаммали Атауллоҳ Ҳусайнининг "Бадойиъу-с-санойиъ" асаридир. Ушбу асарда 220дан ортиқ санъат турлари талқин қилинади, форсий шеъриятдан мисоллар келтирилади ва айрим санъатларга муаллиф ўз ижодидан намуналар келтиради¹⁷.

Туркий тилда яратилган поэтикага оид асарлар орасида энг қадрлиси ва нисбатан биринчилардан бўлиб шеърий санъатларга мурожаат қилгани Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" асаридир. Ушбу китобда поэтиканинг

¹⁷ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 88.

бошқа масалалари қаторида шеърий санъатларга махсус боб ажратилган бўлиб, унда 100 дан ортиқ санъат турларининг талқини берилади.

Муаллиф айрим ўринларда форсий адабиётдан мисоллар келтиради. Айрим ҳолларда эса турк адабиётида намуналари учрамаган асарларни ўз ижод намуналари билан тўлдиради.

XX аср бошларида миллик адабиётшунослик шаклланиши жараёнида муайян хизмат қилган асарлар сифатида биз Абдураҳмон Саъдийнинг "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари" ва Фитратнинг "Адабиёт қоидалари" қўлланмаларини келтирамиз. Ушбу қўлланмалар шеърий санъатларга "Сўз ўйини" сарлавҳаси билан ёндошади ва ҳар бир санъат турларига замонавий ва мумтоз шеъриятдан мисол келтиради.

Фитрат асарларида эса айрим маънавий "санъатларга услубдан, хусусий ҳоллари" деб қаралади.

XX аср адабиётларидан шеърий санъатларга мурожаат қилган М. Шайхзода, И. Султон, А. Рустамов, Ё. Исҳоқов, А. Ҳожиаҳмедов ва В. Раҳмоновларнинг асарларини келтириш ўринли.

мумтоз поэтика, структурал таҳлил, муаллиф нутқи, ровийлик, поэтик лексика, санъатлар, нутқ митонацияси, фонетика, вазн ва оҳангдорлик, поэтик синтаксис.

Назорат саволлари

1. Мумтоз поэтикан манбаларига структурал муносабат нималарда намоён бўлади?
2. Поэтик тил ва бадиий нутқ қандай фарқланади?
3. Бадиий нутқнинг таркибий қисмлари қайсилар?
4. Поэтик синтаксис структурасининг асосий компонентлари қайсилар?
5. Муаллиф нутқининг хусусиятлари қайсилар?
6. Бадиий нутқ маромийлигидаги асосий ритмик бирликлар қайсилар?
7. Персонаж нутқига хос хусусиятларни аниқланг.
8. Нутқнинг ифода шакллари қайсилар?

9. Услуб тушунчасининг истилоҳий жиҳатлари қайсилар?

10. Услуб ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қайсилар?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шарқ мумтоз поэтикаси (тузувчи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти, 2008.
2. Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. – Т., 2015.
3. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Наука, 1989.
4. Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии. Анализ поэтического текста. – Санкт-Петербург, 1996.
5. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Наука, 1990.
6. Cohen J. Structure du langage poetique. Paris: Flammarion, 2066.
7. Jakobson R. Essais de linguistique generale. Paris, Minuit, 2009, ch. 11
8. Ruwet N. L'analyse structurale de la poesie // Linguistics, 2, dec. 2013.
9. Analyse structural d'un poeme francais // Linguistics, 3, janv. 1964.
10. Nerys Williams. Contemporary Poetry. Edinburgh University Press, 2011

5-мавзу. Ритмика ва услубий таҳлил асослари

РЕЖА

- 5.1. Мумтоз поэтиканинг ритмик бирликлари таҳлили.
- 5.2. Наср ритмикаси ва шеърий нутқда ритм (аруз ва бармоқ).
- 5.3. Услуб тушунчаси ва услубий таҳлил вазифалари.
- 5.4. Бадиий матн ва ёзувчи услуби. Муаллиф услубини ўрганиш тамойиллари.

Таянч сўзлар: мумтоз поэтика, ритмик бирликлар, наср ритмикаси, шеърий нутқ, аруз ва бармоқ вазнлари, бадиий матн, ёзувчи услуби, асар услуби, замон услуби, миллий услуб, услубни ўрганиши тамойиллари.

Мумтоз шеър тузилишига кўра вазн, қофия ва бошқа хусусиятларга асосланади. Шеъриятда ритмни белгиловчи асосий омил вазн ҳисобланади ва ҳар қандай шеър ўлчови сифатида вазн қабул қилинган.

Шеър тузилишида асосий ритмик бирлик сифатида байт қабул қилинган экан, у ўз навбатида ҳижо, руқн ва мисрадан ташкил топган. Демак, мумтоз шеърнинг асосий ритмик бирликлари сифатида ҳижо, руқн ва байт қабул қилинган. Мисра эса вазнда ритмик бирлик сифатида иштирок этмайди.

Қадимги турк шеърининг намуналари сифатида қўшиқлар бизгача етиб келган. Улар вазн хусусиятларига кўра асосан бармоқда яратилган. Аруз вазни эса араб шеърияти, сўнгра араб-форс вазни сифатида тараққий этган. Аруз вазни арабларда қадимдан мавжуд бўлса ҳам, асосан, VII-VIII асрларда илмий жиҳатдан асосланган. Араб олими Халил ибн Аҳмад ўзининг "Айн китоби" асарида аруз вазнини асослаб берган. Бу асар бизгача етиб келмаган. Унинг шогирдлари томонидан хусусан, Аҳфаш томонидан янги вазнлар қўшиш баробарида Халил ибн Аҳмад асарининг мазмуни ҳам кейинги даврларга етказилган¹⁸.

Марказий Осиёда мумтоз шеър тузилишига оид манбалар сифатида Форобийнинг "Китобу-ш-шеър", Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг "Мақотиҳу-л-улум" ("Илмларнинг калитлари") асарлари кўрсатилади. Дастрлабки манбада шеърга хос хусусиятлар, унинг ритмик моҳияти юонон шеъриятига қиёсланган ҳолда тушунтирилади. Берунийнинг "Хиндистон" асарининг "Хиндларнинг грамматика ва шеър ҳақида китоблари баёни" бобида ҳинд шеър тузилишининг асослари кўрсатилиб берилади. Хоразмийнинг асари эса қомусий характерда бўлиб, унда аруз вазнига оид айрим истилоҳларнинг шарҳи берилади.

Форс арузшунослиги араб арузшунослиги асосида шаклланган бўлиб, араб арузидағи барча баҳрлар форс олимлари томонидан ҳам қабул қилинган, айрим ўринларда бойитилган ва янги вазнлар ҳосил қилинган. Форс арузи

¹⁸ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 90.

манбалари сифатида Шамсиддин Қайс Розийнинг "Ал-мўъжам" асарида, Носириддин Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор", Абдураҳмон Жомийнинг "Рисолаи аruz", Сайфий Бухорийнинг "Арузи Сайфий" асарларида форс арузи табиатига доир илмий қарашлар акс этган. Бу манбалар орқали Абу Абдуллоҳ Рӯдакийдан бошлаб XVI асрга қадар яратилган форс шеърияти намуналарини қамраб олади.

Форс арузи манбалари асосида кейинроқ дали, пашту, тожик шеъриятининг вазн хусусиятлари ҳам шаклланди. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тожик олимлари Баҳром Сирус, Муҳаммадjon Шарипов, Низомиддин Мирзахўжаев кабиларнинг тожик арузига оид асарлари эълон қилинди. Ўзбек олимлари Шоислом Шомуҳамедов, Алибек Рустамов, Зулҳумор Тўйчиеванинг мумтоз форс арузига доир қарашлари шаклланди.

Турк арузи манбалари сифатида Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунуну-л-балоға" асарининг аruz қисмида, Алишер Навоийнинг "Мезону-л-авзон", Бобурнинг "Рисолаи аruz", Фурқатнинг "Аруз ҳақида рисола" асарларида акс этган.

Шайх Аҳмад Тарозий асосан, аruz истилоҳлари, уларнинг моҳияти, баҳрлар таснифи каби масалаларга тўхталган. Мисолларга мурожаат қилишда кўпроқ форс тилидаги асарлардан намуналар келтирилган, намуналари учрамаган баҳрлар ва вазнлар учун олимнинг ўзи шеърлар ёзиб, улар орқали аruz қоидаларини англатишга ҳаракат қилган.

Алишер Навоийнинг "Мезону-л-авзон" асарида араб ва форс арузи хусусиятлари тушунтирилиб берилган, улар имкон қадар турк шеърияти билан боғланган. Бундан ташқари турк шеъриятидаги аruz вазнига тушмаган шеърлар ҳақида ҳам тўхталиб, улар бошқа вазнда яратилгани, бошқа тизимда яратилгани айтилган.

Бобур ўзининг "Рисолаи аruz" асарида турк арузи табиатини шу тил фонетикаси асосида тушунтиришга ҳаракат қиласи. Мавжуд 19 баҳрни ўрганиб чиқиб, улар қаторига яна 2 баҳр-ариз ва амиқ номли баҳрларни кўшди. 258 та вазнни ўзгаришлари билан туркий шеъриятдан келтирилган

мисоллар асосида тушунтириб берди. Бобур асари турк тилидаги арузий рисолалар орасида энг мукаммали ҳисобланади. Бобурдан сўнг қарийб 300 йил давомида туркий тилда аруз рисоласи яратилмагани мана шу фикрни далиллайди.

XX аср охирларида Фурқат мавжуд аруз вазнларига мисоллар келтириб, мўъжазгина рисола яратди. Илм аҳли деярли бехабар бўлган. Ушбу рисолада назарий фикрлар баён қилинмаган.

Назорат саволлари

1. Кишилар образларини англатувчи поэтик тушунчалар қайсилар?
2. Поэтик тил ва бадиий нутқ қандай фарқланади?
3. Бадиий нутқнинг таркибий қисмлари қайсилар?
4. Поэтик синтаксис структурасининг асосий компонентлари қайсилар?
5. Ритм сўзи қайси маъноларни ўзида жамлаган?
6. Бадиий нутқ маромийлигидаги асосий ритмик бирликлар қайсилар?
7. Аруз вазнидаги асосий ритмик бирликлар қайсилар?
8. Бармоқ вазнидаги асосий ритмик бирликлар қайсилар?
9. Нутқнинг ифода шакллари қайсилар?
10. Услуб тушунчасининг истилоҳий жиҳатлари қайсилар?
11. Услуб ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қайсилар?
12. Ёзувчи услубининг шаклланишида рол ўйновчи омиллар.
13. Бадиий таркиблаш жараёнида методнинг ўрни қандай?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шарқ мумтоз поэтикаси (тузувчи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти, 2008.
2. Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. – Т., 2015.
3. Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии. Анализ поэтического текста. – Санкт-Петербург, 1996.
4. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Наука, 1990.

5. Cohen J. Structure du langage poetique. Paris: Flammarion, 2066.
6. Jakobson R. Essais de linguistique generale. Paris, Minuit, 2009, ch. 11
7. Ruwet N. L'analyse structurale de la poesie // Linguistics, 2, dec. 2013.
8. Analyse structural d'un poeme francais // Linguistics, 3, janv. 1964.
9. Nerys Williams. Contemporary Poetry. Edinburgh University Press, 2011

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот. Мумтоз поэтиканинг моҳияти ва бошқа поэтик шакллардан фарқланиш хусусиятлари.

Режа:

1. “Тарихий поэтика”, “Назарий поэтика” ва “Мумтоз поэтика” истилоҳларининг ўзаро муносабати ва маъно қамровлари.
2. Мумтоз асарлар таҳлили ва талқини.
3. Мумтоз матн лингвопоэтикаси ва структурал таҳлили.
4. Мумтоз бадиий матнга асосланган концепция ва назариялар тизими.

Ишдан мақсад: Мумтоз поэтиканинг моҳиятини аниқлаш. Тарихий ва назарий поэтиканни фарқлаш ва уларнинг фаолият доираларини белгилаш. Мумтоз бадиий матнлар таҳлилига киришиш, таҳлил жараёнида талқи ва интерпретациядан фарқлаш. Мумтоз матн лингвопоэтикаси масалаларини ўрганиш. Структурали таҳлил асослари билан танишиш. Мумтоз бадиий матн таҳлилига қаратилган назарий концепциялар билан танишиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи тавсия этилган режа асосида илмий адабиётлар билан танишади, термин ва истилоҳлар моҳиятини луғат ва энциклопедиялардан конспект олади ва мумтоз бадиий матннинг структурал таҳлилига киришади.

Ишни бажариш учун намуна

(Поэтикага доир асарларнинг тавсифи ва унга зумонавий муносабат)

Жаҳон адабиётшунослигида поэтиканинг вужудга келишида Арасту ҳакимнинг беназир хизматларини унутмаган холда XX аср адабиётшунослигида поэтика қонуниятларининг устивор бўлишида В.М.Жирмунскийнинг

хизматлари ҳам сезиларлидир. Чунки янги йўналишдаги адабиёт назариясини шакллантириш арафасида унинг асосига қўйилиши мумкин бўлган назарий концепцияларни аниқлашга эҳтиёж туғилди. Бир томондан, Фриче, Плеханов, Переверзев номи билан боғлиқ ҳолда бадиий асар заминига ижтимоий мазмунни юклаган социал танқид, иккинчи томондан, санъатга бадиий усуллар йиғиндиси сифатида қарашни асослаётган формал мактаб вакилларининг ишлари янги назарий тафаккурни шакллантиришга даъво қила бошлади. Шу жиҳатдан “Поэтика нима”, “у илмми ёки санъат”, “агар илм бўлса, қайси тамойиллар асосида иш кўради “ каби анъанавий саволларга қайта жавоб изланади¹⁹.

“Поэтика” истилоҳи Арасту ҳаким даврида илмий муомалада бўлиб, қўйидаги маъноларда қўлланилган: бадиий борлиқ ҳосил қилувчи, бадиий макон ва замонда мавжуд бўлиб, дунё ва шахс ҳақидаги муайян концепциялар ташувчи воситалар йиғиндисидир (1); адабиётшунослик ва риторикага яқин бўлган, бадиий борлиқни ҳосил қилувчи воситалар ва унинг структурасини ўрганувчи илмий предметдир (2)²⁰. Арастунинг “Поэтика”си Форобий таржимасида араб тилидаги манбаларда такрор тилга олинса-да, таржимада аслиятдаги сўз (поэтика) эмас, балки сарлавҳа остидаги “Фи-с-саноату-ш-шеър” деб берилгани учун араб-форс-турк поэтикаси хусусида фикр юритилганда, мутахассислар уни *балогат илми* (ҳозирги истилоҳда – бадиий санъатлар) истилоҳи билан қабул этишга ўргангандар. Масалан, Р.Мусулмонқуловнинг “Форс-тоҷик адабиётининг поэтикаси” асарида Арасту назарда тутган маънода эмас, балки кўпроқ уни аруз, қофия ва бадиий санъатларнинг мажмуи сифатида қаралган.

Шунингдек, поэтикама “бадиий асар қурилиши ва унда қўлланилган эстетик воситаларининг тизими ҳақидаги фандир” (КЛЭ) деган таъриф билан тавсифий ва тарихий поэтика навлари тавсия этилади. Инглиз олим С.Балдик (C.Baldick) юқоридаги хусусиятлар қаторига “поэзиянинг тил,

¹⁹ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 101.

²⁰ Борев Ю.Б. Энциклопедический словарь эстетики и теории литературы. Москва, 2008. Эл. версия - П. С. 90-92.

шакл, жанр, композиция воситалари каби аспектлари билан алоқадорликда” тушунади.

ХХ аср бошида Россияда социал танқиднинг соцреализм асосига қўйиши муносабати билан 20-йилларнинг ўзидаёқ формал мактаб вакилларининг қарашлари кескин танқидга учради. Лекин улардан айримларининг поэтика хусусидаги қарашлари ҳамон аҳамиятли. Б.В.Томашевский: “поэтика ўз вазифасини адабий асарнинг қурилиш хусусиятларини ўрганишда кўради. Поэтиканинг ўрганилиш обьекти – бадий адабиёт. Ўрганиш усули эса – ҳодиса ва талқинларни таснифлаш ва тавсифлашдан иборат” деб ёзди. Поэтика В.Жирмунский сўзлари билан айтганда, “услубни яратиш воситаси ва бадий дунёнининг қурилмасини ўрганишни ўз зиммасига олади. Шундай экан, поэтика адабиётни санъат сифатида ўрганувчи фан, поэзия ҳақидаги илмдир” деб хulosалайди²¹.

Поэтика – адабиётни санъат сифатида ўрганувчи фандир. Агар азалдан мавжуд бўлган бундай сўз қўлланилишини қабул қилсақ, шуни дадил тасдиқлаб айтиш мумкинки, кейинги йилларда адабиёт ҳақидаги фан поэтика белгиси остида ривожланмоқда.

Шунинг учун шакл ва мазмун (*нима* ва *қандай*)нинг шартли зиддияти илмий тадқиқотларда ҳар доим эстетик обьетда бирлашган ҳолатни тасдиқлашга олиб келди. Санъат асарида ҳар қандай янги мазмун шакл орқали кўринади: шаклда акс этмаган мазмун, яъни ўз ифодасини топмаган мазмун санъат асарида мавжуд эмас. Худди шу каби шаклинг ҳар қандай ўзгариши янги мазмуннинг очилишидир, ёки шакл қайсиdir мазмунга нисбатан ифодавий усул деб қаралаётган жойда мазмундан холи шакл бўлиши мукин эмас. Шундай қилиб, бу нисбатдаги шартлилиги санъат асарининг бадий структурасида соф формал (шаклий) моментнинг маҳсус хусусиятларини аниqlашда кам самар бериши мумкин²².

Адабий ёдгорликка бадий асар сифатида ёндашатуриб, биз бадий бутунликнинг ҳар бир элементини унинг поэтик ҳаракатда экани нуқтаи

²¹ Жирмунский В.М. Задачи поэтики / Теория литературы. Поэтика. Стилистика: Избр.тр. Л., Наука, 1977. С.

²² Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 110.

назаридан баҳолаймиз: бадий санъат ҳақидаги фан – поэтика доирасида ифодаланувчи билан ифодаловчи, эстетик факт билан эстетик фактнинг ташқарисидаги (ҳодиса) икки ҳодиса бир хил тушунилиши мумкин эмас. Бу дегани, албатта, адабий ёдгорликка эстетик қарашдан бошқа нуқтаи назардан ёндошиш мумкин эмас: санъат ҳақидаги масала социал факт ҳақида ёки санъаткорнинг ҳиссий фаолияти маҳсулоти бўлиши мумкин эмас, санъат асарини диний, ахлоқий, таълимий жиҳатдан санъат асарини ўрганиш имконият даржасида бўлиши мумкин; методологиянинг вазифаси – амалга ошириш йўлларини ва бундай ўрганиш усусларини амалга оширишнинг зарур чегараларини кўрсатишдир. Лекин шоир кечинмаларини онгсиз равиша унинг замондошлари ғоялари билан бадий асарнинг санъат усуслари билан ифодаланган мазмунни сифатида аралаштириш юбориб, уни бадий шакл сифатида қабул қилиш поэтика масалаларини ўрганувчи илмий ишда ўринли эмас.

Шакл ва мазмуннинг анъанавий бўлиниши, санъат асарида эстетик билан ноэстетикни ажратиш бошқа санъат асарининг муҳим хусусиятларини эстетик объект сифатида қарашга зид бўлиши мумкин: материал ва усулга бўлиниш²³. Бу зиддият поэзиянинг “формал” унсурларини назарий ўрганиш йўлини кўрсатади. Лекин кейинроқ усуслар бирлиги бўлган услубнинг телеологик тушунчасининг ривожланиши ва чуқурлашувини ҳам билдириши мумкин.

Поэтикани қуришда бизнинг вазифамиз – тўлиқ мунозарасиз материалдан келиб чиқиши ва бадий кечинманинг моҳияти ҳақидаги масаладан қатъи назар, эстетик объект структурасини, бу ўринда эса – сўз санъати асарини ўрганишдир²⁴.

Турли телеологик ҳаракатларнинг бирлашуви бирга мавжуд бўлган “сўзлашув тили” деб номланган ўзаро ҳаракатга киришади, фақатгина тил тарихий ҳаётининг аниқ реаллиги шароитида амалга ошиши мумкин. Амалий нутқ тили бундай белгиланишга кўра, мумкин қадар фикрнинг тўғри ва аниқ

²³ Қаранг: Шкловский В. Искусство как прием. В кн.: Поэтика. Пг., 1919. С.102.

²⁴ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P.118.

берилиши вазифасига бўйсунади: мақсадга эришишда воситаларни иқтисод қилиш – мана шундай тилнинг асосий принципидир. Амалий тил ўз «усул»ларига эга: ҳозирги қисқартиришга, айниқса, муҳим мисол бўлган иш телеграммалари услуби. Амалий тилга қариндош – илмий тил маҳсус вазифага бўйсунади: мантикий фикрни қисқа ва аниқ ифодалаш. Бошқа қонунлар тингловчина қаратилган эмоционал ва эркин ҳаракат эмоционал-эркин ишонтирувчи вазифага бўйсунувчи нотиқнинг нутқини бошқаради. Бундай сўнгги гурухга бадиий вазифага бўйсунган поэтик нутқ яқинлашади: риторика ва поэтика азалдан сўз қурилишининг бундай усуллари категорияларини қайд этган. Оддий сўзлашув тилида бу ҳамма тенденциялар бир пайтда юз беради; тил тарихида улар бир-бири билан курашадилар, уларнинг бирикмалари синтактик қурилмаларнинг ўзгаришида сўз семантик ҳаётининг турли фактлари билан тушунтирилади. Биз рамзий суратда илмий нутқ ва поэтик нутқ деб чегаравий ва изчиллик билан белгилашимиизга кўра, амалий мисолларда сўз қўлланилишининг турли усулларини қайд этади ва бир сўзни бошқалари билан боғлайди²⁵.

Бадиий асарнинг тилига нисбатан ҳозир айтилган фикр бутунисича мазмунга ҳам йўналтирилган, яъни унинг поэтик мавзуга. Аникроғи – бадиий асарда унинг мавзуси тил ифода воситасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавҳум ҳолда мавжуд эмас, балки сўзда амалга оширилади ва худди поэтик сўз каби у амал қилган бадиий қурилма қонуниятларига бўйсунади²⁶.

Поэтика истилоҳининг маъно қамрови ҳам, қўлланилиш доираси ҳам жуда кенг бўлганини уни айрим соҳаларга муносабатда кўрамиз: тарихий поэтика (А.Н.Веселовский), назарий поэтика (А.А.Потебня), антик поэтика (С.С.Аверинцев), динамик поэтика (З.С.Паперный), структурал поэтика (Р.Барт, Ю.Лотман) каби. Бундан ташқари айрим бадиий компонентларга нисбатан: сюжет поэтикаси (А.Н.Веселовский), бадиий нутқ поэтикаси (В.Виноградов), миф поэтикаси (Е.М.Мелетинский), баён (повествование)

²⁵ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 120.

²⁶ Жирмунский В.М. Задачи поэтики / Теория литературы. Поэтика. Стилистика: Избр.тр. Л., Наука, 1977. С155.

поэтикаси (Н.К.Гей), композиция поэтикаси (Б.А.Успенский) каби қўлланишлар ҳам бор. Шунингдек, айрим улуғ ижодкорларга нисбатан ҳам бу бағри кенг истилоҳ – Навоий поэтикаси (Ё.Исҳоқов), Пушкин поэтикаси (С.Г.Бочаров), Достоевский поэтикаси (М.Бахтин) қабилида ҳам қўлланилган. Бу ўринда бизнинг мақсадимиз, умуман, бу истилоҳга муносабат эмас, балки бадиий матнга нисбатан поэтика соҳаларини белгилаш ва унинг вазифаларини ўрганишдан иборатdir²⁷.

Тарихий поэтика масалаларини Россияда акад. А.Н.Веселовский²⁸ илгари сурган бўлиб, адабиёт тарихида гарчи тугалланмаган бўлса-да, поэтик жанрлар асосида етарлича таълимот қолдирган. У ўз тарихий поэтикасининг биринчи боби умумий мундарижасига кўра, бошланғич поэзиянинг тарихий масалаларини алоҳида илгари суриши лозим бўлса-да, маҳсус мақолаларидан (“Эпитет тарихидан”, “Психологик параллелизм”, “Сюжет поэтикаси”нинг тугалланмаган ёзувлари) маълум бўлишича, назарий масалалар асарининг таркибида муҳим ўринни эгаллаши керак эди.

Назарий поэтика муаммолари А.А.Потебня ишларида, жумладан, “Адабиёт назариясига оид ёзувлардан” китоби ёки унинг бутун тизими яхлит олганда, унинг асарларида акс этган методга – поэтиканни тил ҳақидаги умумий қонуниятларни ўрганувчи тилшуносликка яқинлашуви – моҳиятан эътиroz уйғотса-да, фавқулодда самарали бўлгани учун кенг эътироф этилган.

Адабиётни тадқиқ этиш методининг ўрганилиши масалаларини қайтадан кўриб чиқиши шундай қарорга олиб келдики, адабиёт санъат сифатида ўрганилиши керак ва бадиий сўз материали асосидаги маданият тарихи муаммоларининг жўн тузилиши тарихий ва назарий поэтикага ўз ўрнини бўшатиб бериши керак. Бу жиҳатдан 1914 йили акад. В.Н.Перетцнинг “Рус адабиёт тарихи методологиясига доир маъruzалар”и²⁹ олдинга ташланган муҳим қадам бўлди.

²⁷ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 130.

²⁸ Веселовский А.Н. Собр. Соч. Т.1. СПб., 1913.С106.

²⁹ Перетц В.Н. Краткий очерк методологии. Пб., 1922.С.114.

*анттик поэтика (С.С.Аверинцев), динамик поэтика (З.С.Паперный),
структурал поэтика (Р.Барт, Ю.Лотман)*

Бадиий матн компонентлари сюжет, баён, композиция, бадиий нутқ, жанр поэтикаси ва бошқаларга нисбатан *поэтика* истилоҳи қўлланар экан, бу умумий маънодаги поэтика маъносининг торайиши, унинг хусусий компонент белгиларининг мажмуи сифатида тушунишга олиб келади. Поэтиканинг айрим улуғ адиблар ижодиётига нисбатан қўлланилиши ўша ижодкор асарларининг умумий табиатидан келиб чиққани учун биз бевосита матн поэтикасига нисбатан нафақат фаол қўлланишда бўлган, балки сўнгти ярим аср мобайнида нафис адабиётнинг деярли ҳамма жабҳаларига кириб борган структурал прэтика ва унинг имкониятлари хусусида сўз юритамиз.

2-амалий машғулот. Структурал таҳлилда адабий тур ва жанрлараро муносабат

Режа:

1. Мумтоз бадиий матнда ифода шакли (назм, наср)ни фарқланиш тамойиллари.
2. Мумтоз асарларнинг адабий тур жиҳатдан таснифи ва бир турдаги адабий асарлар таҳлили.
3. Жанр ва услуб муаммолари. Адабий жанрда бадиий нутқ табиати.
4. Жанр ва шакл муносабати таҳлили. Адабий жанрларнинг шаклланиш омиллари.

*Адабий асар қурилиши. Шакл ва мазмун диалектикаси
(Илмий манбалар бўйича назарий маълумот тўплаши учун тавсия)*

Адабий асарнинг таркибий қисмларини ўрганиш жараёнида мутахассис дуч келадиган дастлабки иккилиқ, бир-бирини тақозо қиласиган шакл ва мазмун (айрим манбаларда – *мундарижса*) муносабатидир. Бу муносабатнинг бадиий асар таркибидаги вазифаси хусусида дастлаб Афлотун фикр юритган бўлиб, асаддаги шакл ва мазмун муносабатини *эйдос ва идея* истилоҳлари билан белгиланган³⁰. Арасту ўз устози қарашларини янада чукурлаштирган,

³⁰ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 144.

унингча, «*нима* – тақлид предмети бўлса, *қандай* – тақлид воситасидир»³¹.

Бошқа бир ўринда биз мазмун деб атаётган тушунчага нисбатан турлича «моҳият», «идея», «логос» каби истилоҳларни қўллашига қарамай, шакл (форма)ни «нарсанинг мавжудлик моҳияти, белгиси» деб талқин қилади³². Демак, бадиий асар дастлаб нимани қандай тасвирлаш лозимлиги ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўзаро алоқадорлигини илк бор Атасту томонидан қайд этилган. Ҳегел мазмуннинг шаклга қуиши, шаклнинг мазмун орқали идрок этилиши хусусида фикр юритиб, уларнинг ўзаро тақозо этилишини диалектик бирлиқда ифодалайди. «Санъат асарида, – деб ёзди у, – мазмун (идея) ва унинг ифодаси (шакл) бир-бирини максимал равишда тақозо қилади: бадиий мазмун ўз-ўзидан аниқ бўлса-да, ўзини кўрсатиш тамойилига эга ва у ўз шаклини эркин ифода қила олади».³³ Маълум бўлишича, Ҳегел диалектикаси Шарқ фалсафасидаги тажалли назарияси асосига қурилган.

Фалсафада бадиий асардаги бу муносабат асосига шакл ва материя (борлик) тушунчалари қўйилган. Мумтоз адабиётшуносликда сурат ва маъни истилоҳлари билан берилган бу доимий муносабат ислом фалсафасида *кулл ва жузъ* иккилиги орқали тушунтирилади. Кулл – бутун борлик (материя + руҳоният) жузъ унинг бирор аъзосигина эмас, балки тажалли (кўриниш) шаклидир. Ишқ ва нур ҳам шундай диалектик муносабатда, агар зотда ишқ бўлмаса, унинг тажаллиси нур ҳам бўлмайди. Фаридиддин Аттор фалсафасида ишқ (мазмун) нур (тажалли) воситасида намоён бўлади, лекин Куллнинг барча сифатларини етказиб бера олмайди³⁴. Жалолиддин Румий тушунтиришича, маъни ишқ талқинида кўринади, сурат эса ишқ нуридир. У ишқсиз қийматдан маҳрум. Ишқ маъно, моҳият касб этгани учун ҳам маънидир³⁵. Маънининг нури эса сурат бўлиб жилваланади. Ишқ бўлмаса,

³¹ Арасту ҳаким. Поэтика, Риторика / М.Махмудов тарж. Т.: Янги аср авлоди, 2011.

³² Аристотель. Сочинения в 4 т-х. Т.1. М.: Мысль, 1975. С. 198.

³³ Гегель Г.В.Ф. Эстетика: в 4 т-х. Т.1. М.: Мысль, 1973. С.79-81.

³⁴ Аттор Ф. Илоқийнома / насрый таржима, талқин ва тафсир муаллифи Н.Комилов. Т.: Ёзувчи, 1994. Б.74.

³⁵ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 150.

нур ҳам бўлмайди, ишқнинг ўзи ҳам бизга нурсиз, яъни суратсиз етиб келмайди.

«Фиҳи мо фиҳи» («Нимаики Ундаидир Ундандир») асарида бу муносабатни англатувчи қизиқ мисол берилган. Мағиз пўст (данак) ичидан эканини биз бевосита кўрмасак-да, яхши англаймиз ва унга эришиш учун пўстдан воз кечиб, уни синдирамиз. Гўёки данак керак эмасдай, ортиқча қобикдай туюлади³⁶. Бироқ бу – бир марталик етишиш холос. Ундан доимий суратда наф кўриш учун эса уни уруғ сифатида ерга экиб, кўпайтириш лозим. Лекин экин пайтида биз мағизни пўстдан ажратмаймиз, агар уни ажратмоқчи бўлсак, пўст (шакл)ни нобуд қиласиз, лекин барибир мағиз (маъно)га ҳам эриша олмаймиз³⁷. Демак, ҳар бир жисмнинг икки хоссаси ўзаро тажаллий (диалектик) муносабатдагина тараққиётга изн беради³⁸.

Араб мумтоз поэтиласининг асосий унсурларидан саналган *маъно ва лафз* моҳият ва унинг сўз қолипи маъносига қўлланилган, анъанавий мазмуннинг индивидуал муаллиф талқинидаги ифодаси сифатида қабул қилинган³⁹. Араб поэтиласининг асоси саналган *маъно* истилоҳи машҳур арабшунос олимлар томонидан “фикр, ғоя” (Голдциер, 1896; Крачковский, 1927), “поэтический мотив” (Грюнебаум, 1944; Риттер, 1954), “фикир, моҳият, образ” (Шидфар, 1974) деб таржима қилинган бўлса, *лафз* (*кўплиги – алфоз*) – “ифода” (Гольдциер, 1896), “сўз, ифода” (Грюнебаум, 1944), “ифода, товушлар бирикмаси” (Крачковский, 1927), “сўзлар, нутқ ифодаси” (Киктев, 1969; Риттер, 1974) тарзида русчага ўгирилган⁴⁰. Ушбу таржималардан маълум бўлишича, *маъно* – мазмун, ғоя ва моҳиятни англатган бўлса, *лафз* – унинг материал жиҳати, яъни товуш, сўз орқали ифодаланишини билдирган. Ибн Қутайба “Шеър ва шоирлар китоби” (870) асарида бадиий матнларни маъно ва лафзга кўра қуийидаги туркумларга ажратган: 1) яхши лафз ва маъноли асарлар; 2) лафзи

³⁶ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. Р 162.

³⁷ Румий Ж. Ичиндаги ичиндадир / Таржимон Улугбек Ҳамдам. Т.: Ёзувчи, 1997. Б.79.

³⁸ Батафсил маълумот учун қаранг: Болтабоев Ҳ. Сурат ва маъни / Шарқ мумтоз поэтикаси. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. Б.

³⁹ Куделин А. Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII-XI век). М.: Наука, 1983. С.7.

⁴⁰ Ўша асар. Б. 57.

яхши ва маъноси ёмон асарлар; 3) лафзи ёмон ва маъноси яхши асарлар; 4) лафзи ёмон ва маъноси ҳам ёмон асарлар⁴¹. Бундай таснифга келишда муаллиф лафз ва маънони бириктурувчи нисбат (эътилоф) сифатида уларнинг ўзаро teng келиши (мусовот)ни назарда тутади. Ибн Кутайба талқинича, агар маъно лафзга тўла мос келса, у бадиият (балога)га эришган бўлади⁴². Қудама ибн Жаъфар (в. 922/948) эса “Накду-ш-шеър” асарида “тугал маънога лафз қўшимча қилмаса ёки маънони бузувчи унсурни лафзга қўшмаса” асар етук бўлишини таъкидлаган. Бу жараёнда олим “вазн талаби билан кераксиз сўз (маънога хизмат қилмайдиган – Ҳ.Б.) хисобига байтни тўлдириш (хашв)ни шеърдаги жиддий нуқсон” деб белгилаган⁴³. Кўринадики, ўрта асрлар араб поэтикасида ҳам маъно ва шакл бирлиги адабиётнинг асосий қонунларидан саналиб, уларнинг ўзаро меъёр ва мувофиқ келиши бадиий матннинг етуклигини англатувчи балоғат белгиси хисобланган. Араб мумтоз поэтикасида маъно ва лафз муносабати ҳақида ўнлаб рисолалар яратилганки, уларнинг айримлари номаълум муаллифнинг “Мажмуату-л-маъни” тўпламида келтирилган⁴⁴. Араб мумтоз поэтикасидаги ушбу фундаментал қарашлар асосида маъно ва лафз хусусида форс ва турк тилида ҳам фикрлар баён қилинган.

Абдураҳмон Жомийнинг “Силсилату-с-заҳаб” асарида: “Сўзниңг бутунлиги, мағзи, моҳияти маъно биландир, чунки маъно кўрки лафз биландир” дейилган⁴⁵. Тушуниладики, лафз (тил) маънонинг зоҳиридир, маънони сўз, тилсиз ифода қилиб бўлмайди. Чукур маъно бериш учун эса кўркли лафз керак. Маъно лафз билан кўркли бўлгани каби, лафз ҳам маъно гўзаллиги билан кўркли бўлади. Бу буюк иккиликни бутун ва гўзал ҳолда

⁴¹ Ибн Кутайба. Аш-Ши’р ва аш-шу’ара’. Т. 1-2. Бейрут, 1969. Б.12-15 (араб тилида).

⁴² Ўша асар. Б. 84-85.

⁴³ Қудама ибн Жаъфар. Китаб нақд аш-ши’р. Лейден, 1956. Б.136.

⁴⁴ Улар: Муфаддал Дабби (в. 780/787) “Китаб ма’ани аш-ши’р”, айни шу номдаги Абу Сарван ал-Укли (VIII асрнинг 2-ярми), Ибн Кунас (в. 823-825), Асмаи (в. 825-832), Саид ибн Масада ал-Ахфаш (в. 830). Ибн Арабий (в. 846). Абу-л-Амайсал (в. 854), Ибн Кутайба (в. 889), Бухтури (в. 897), Салаб (в. 904), Наххас (в. 950), Ибн Абдус (в. 859-860); “Китабу-л-ма’ани” номли Муарриж Садуси (в. 819), Надр ибн Шумайл (в. 818-820), Али Райхоний (в. 834) асарлари. Қаранг: Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. Bd 2. Poesie bis ca.430. Leiden, 1975. pp. 58-60.

⁴⁵ Абдураҳмон Жомий. Силсилату-с-заҳаб / Танланган асарлар (Тузувчи ва сўзбоши муаллифи Ш.Шомухамедов). Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.

кўриш учун уларни доимий яхлитликда билиш ва қабул қилиш лозим бўлади.

Алишер Навоий бу диалектик бирликни бадиий асар мисолига кўчирган: «Бир неча сўз ул маънидаким, сўздағи маъни жоне дуурким, сўз қолиби онсиз қолибе дуурким, жонсиз ва ани топмоқ ишини киши билмас, балки ани топқон киши топилмас ва ахли ғазоф ноин софлигига мунсиф бўлмоқ, балки ўз ғазофига инсоф бериб, аларнинг узрин қилмоқ»⁴⁶. Буюк “Хамса” ўқувчиларига маълумки, бу Навоийнинг мазкур мавзудаги бир мақолотининг сарлавҳаси холос. Маъно ҳақида сўз юритганда, у сўз қолипининг жонидир, жонни колипдан ажратиб бўлмайди, шундай экан, маъно ва сурат ажралмас бир моҳиятдир. Уни назмда кўрмоқчи бўлганлар, уларни бир бутунликда кўришлари, вазн ва баҳр каби зоҳирий сифатларни, шеърнинг жонидан ажратмаслиги, аксинча, қолип жонга муносиб келгандагина жозиб бўлади. Лафзи bemaza, таркиби суст асарда маъни ҳам носара ва унинг хulosаси нодуруст бўлади.

Демак, сурат ва маъно муносабати бири иккинчисини тақозо қилган, фақат ўзаро мавжудликдагина ҳаракатга келиши мумкин бўлган жон ва жасаддир. Диний тушунчага кўра жон, жasad тарзида намоён бўлган бу талқин тасаввуфда янада чуқурлашиб, *руҳ-жон-нафс* тарбияси учун асос бўлиб хизмат қиласди⁴⁷.

Адабий асарнинг бундай муҳташам фундаментал аспектини ўрганиш натижасида поэтика илмида *дихотомик* муносабат шаклланган бўлиб, унга кўра шакл ва мазмуннинг турли аспект ва компонентларини шартли равишда фарқлаб англатишга интилиш бор. А.Потебня бу иккилик муносабатини учлантириб, *ташқи шакл, ички шакл ва мазмун* сифатида талқин қилган⁴⁸. М.Бахтин бу учланганликни ифодалаган “Бадиий сўз санъатида мазмун, материал ва шакл муаммолари” (1924) асарида ёзишича, “шаклни материал деб тушуниш фақат аник фанлар – математик ёки лингвистик – белгиланишдирки, у қандайдир соф ташқи, моментнинг қадридан ҳоли,

⁴⁶ Алишер Навоий. Ҳайрату-л-аббор. / МАТ. 7-жилд. Т.: Фан, 1991. Б.62.

⁴⁷ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 172.

⁴⁸ Потебня А.А. Эстетика и поэтика. М., 1976. С.309-310.

унинг тартибидир. Шаклнинг эмоционал-эркин тиғизлигидир, унга муаллифнинг материалдан ташқари мухим ифодавий характерли қандайdir аҳамиятли муносабатидир... ёки бу шакл орқали ифода қилинаётган – ритм, гармония, симметрия ва бошқа шаклий моментлар билан ифодаланиб, ўта фаоллик бағишлишидирки, факат уни материалга муносабатдагина шарҳлаш мумкин”. Олимнинг ёзишича, адабий ҳвёт санъат асаридан ташқарида содир бўлмайди, балки унинг ичидадир. Шундай экан, “эстетик шакл бу англанган, баҳоланган борлиқ (материал)ни бошқа бир қадриятга айлантиради, янги бирликларга бўйсундиради, янгича тартиблантиради: индивидуаллаштиради, конкретлаштиради, уни чеклайди ва тугаллайди, лекин унинг англанган ва баҳоланганликдан қайтара олмайди: айни мана шу англанганлик ва баҳоланганлик тугалланган бадиий шаклга йўналади”⁴⁹.

Немис олими Р.Ингарден эса адабий асар қурилишида тўрт унсур: 1) нутқнинг овозлилиги; 2) сўзларнинг маъноси; 3) тасвирдаги предметлар даражаси; 4) предметлар шаклларининг эшитарли ва кўришли қиёфаси иштирок этишини таъкидлаган⁵⁰.

Шундай қилиб, бадиий асар таркибининг кўппланлилиги юзага чиқмоқдаки, уларнинг бадиий асар тўқимасидаги ўрни, вазифаси, моҳияти бир бутунликда кўринади. Лекин улар шартли равишда мантиқан қўйидаги жиҳатларни ўзида акс эттириши мумкин: биринчидан, бошланғич поэтик бирлик сифатида нарса ва ҳодисалар дунёси, иккинчидан, асар шакли бадиий тўқима тарзида қуриладики, унинг «тўқувчиси» – муаллиф томонидан ишланган, ўша асар табиатига мослаштирилган бадиий нутқ орқали шакллантирилади; учинчидан, барча ҳолатлар композиция воситасида бирлашади ва яхлитлик касб этади⁵¹. Бадиий шаклнинг бундай уч босқичли характерини белгилаш орқали унинг мундарижавий томонлари ҳам белгиланади. Бу жиҳатлар анъанавий тарзда ғоя (идея, бадиий ният), материал (мавзу) ва ўша асар воситасида илгари сурилаётган проблема

⁴⁹ Введение в литературоведение. Хрестоматия. М.: Высшая школа, 2006. С. 49.

⁵⁰ Ingarden R. Das literarische Kunstwerk. Tübingen, 1960.

⁵¹ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 152.

(муаммо)ни бирлаштиради. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, баддий мазмун қандайдир алоҳида сўзлар ва сўз бирикмалари орқали эмас, балки муаллиф концепциясида бирлашиб, яхлит ҳолга келади. Шунинг учун айрим тадқиқотчилар «ғоя» ва «муаммо» тушунчаларини бирлаштирган ҳолда муаллиф концепцияси тушунчасини илгари сурадилар. В.Е.Хализев «бадиий асар дунёси» («мир произведения») истилоҳи орқали бирлаштириб, унинг таркибиға персонаж, портрет, диалог ва монолог, предмет (нарса), табият (пейзаж), макон ва замон, сюжет ва бошқа жиҳатларни киритади⁵². Агар назариётчи илгари сурган «асар дунёси»ни мантиқан ўрганганимизда буларнинг ҳаммаси бадиий асарда шакл компонентлари тарзида юзага чиқаётганини кузатамиз. Бундан асарнинг бошқа бир тенг ҳуқуқли жиҳати – бадиий мазмун озор топмасмикин, деган мулоҳаза ҳам туғилади⁵³.

Шунинг учун ҳам бу борадаги сўнгги кузатишларда шакл ва мазмун тушунчалари адабий асарнинг ташқи жиҳати билан ички хусусиятларини борлиқ ва унинг мавжудлик шаклида фарқлашга қаратилгани учун мазмун – белгиланувчи жиҳат деб қаралса, унинг белгиловчиси шакл орқали юзага чиқиши айтилмоқда.

3- амалий машғулот. Эпик асарлар таҳлили тамойиллари

1. Мумтоз наср хусусиятлари. Насрий асарларда ровийлик ва муаллиф нутқи.
2. Йирик эпик жанрлар (достон, маснавий) таснифи ва уларни таҳлил қилиш усуллари.
3. Мумтоз ва замонавий қиссалар таҳлилида таркибийлик.
4. Мумтоз эпик асарлар таркибида тасаввуфий тимсол ва талқинлар.

(Структурал таҳлил намунаси)

Абдулла Қаҳҳор «Анор» ҳикоясининг структурал таҳлили

Абдулла Қаҳҳор «Сароб» ва «Кўшчинор» романлари, «Синчалак» ва

⁵² Хализев В.Е. Теория литературы. С.183-242.

⁵³ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 177.

«Ўтмишдан эртаклар» каби қиссалар, «Шоҳи сўзана» ва «Тобутдан товуш» сингари драматик асарлар билан машҳур бўлганига қарамай «Мен асли ҳикоячиман» деган экан. Мақоладан мурод бунинг боисини излаш ёки шундай дейилишига асос бўлган қарашлар таҳлилига берилиш эмас, балки танқидчиликда энг кўп «чайналган» ҳикоялардан бири «Анор»ни структурал таҳлил имкониятлари даражасида ўрганишdir. Аслида «Анор» ҳикояси 30-йилларда шўро истибоди кучайган мафкуравий тазиик даврининг маҳсули (1936), структурал таҳлил эса, 70-йиллардан бошланган адабиётшуносликдаги таҳлил усули. Бу усул мафкуравий-социал талқинни рад қилиш баробарида адабий матннинг бадиийлик хусусиятини унинг таркибини ўрганиш орқали асослайди ва бу жараёнда асарнинг ёзилиш тарихи, ёзувчи ва замон, асарнинг қабул қилиниши (китобхон ёки адабий танқид томонидан) каби «масалалар»ни четлаб ўтади. Бевосита бадиий матнни унинг биринчи сўзидан охирги нуктасига қадар яхлит бадиий бутунликда кўради ва унинг таркибий жиҳатларини тадқиқ қилишга киришади⁵⁴. «Анор» 30-йилларнинг, яъни соцреализмнинг шафқатсиз занжирлари остида бадиийлик ғоя ташувчисига айланган даврнинг маҳсули. Ҳақиқий бадиий асар қайси даврда яратилмасин ва қайсиdir ўринда мафкура тазиикiga бўйин эгтан бўлмасин, у бадиийлик қоидалари асосида яратилади, бўйсуниш керак бўлса, бадиият қонунларигагина бўйсунади, деган талаб билан ёндашганда Қаххордай «ҳар бир сўзидан ижтимоий рух уфуриб турган» (О.Шарафиддинов) адебнинг ихчам бир ҳикояси структурал таҳлилнинг қатъий андозаларига дош берармикин, деган гумон ҳам йўқ эмас. Қолаверса, ҳозирги постструктурализм постмодернизмга синоним сифатида қаралаётган⁵⁵ бир даврда ушбу таҳлил усулининг имкониятларини яна бир карра эсга олмоқ маврудимикан, деган шубҳа ҳам туғилиши мумкин⁵⁶.

Адаб асарни ҳикоя деб атаган, гарчи асар «новелла», «ўтмиш очерки» каби номлар билан таҳлилга тортилган бўлса-да, моҳият эътибори билан

⁵⁴ Лотман Ю. М. Анализ поэтического текста. – Ленинград: Просвещение, 1972. – С.12.

⁵⁵ Ильин И. П. Постструктурализм. Деконструктивизм. Постмодернизм. - М.: Интранда. 1996. - С. 42.

⁵⁶ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 188.

хикоя. Бу жанрнинг хос хусусиятлари ҳақида жаҳон ҳикоясозларидан бири Сомерсет Моэм шундай таъриф беради: «Ҳикоя ўн минутдан бир соатгача вақт оралиғида ўқиладиган, таҳрирда ҳеч нарса қўшиб бўлмаганидек, ундан ҳеч нарсани ҳам узиб олиб ташлаб бўлмайдиган бадиий бутунлик»⁵⁷. Ушбу таърифни тугал деб билмасак-да, ундаги «бадиий бутунлик»ни тутиб турадиган асос нимада эканлигини тушунишга уруниб кўрайлик.

Абдулла Қаххорнинг ҳикояси эпиграфдан бошланади: «Үйлар тўла нон, оч-наҳорим болам, Ариқлар тўла сув, таини зорим болам» (*Ўтмишдан*). Адибнинг барча машҳур ҳикоялари ҳам эпиграф билан очилган: «Даҳшат», «Бемор», «Ўғри», «Томошабоғ», «Тўйда аза» в. ҳ (ҳатто айрим ҳикоялари учун ёш истеъододли шоирларга буюртма бериб, эпиграф бўларли тўртликлар ёздирган экан: «Нурли чўққилар» - Абдулла Орипов, «Маҳалла» - Эркин Воҳидов⁵⁸). Бадиий асарда эпиграф асар моҳиятини тушунишда ўқувчига ёрдам берувчи восита, лекин шу билан бирга Қаххор ҳикояларида, ўтмиш кўрсаткичи. «Даҳшат»да: «Хотин-қизларнинг бурун замонда кўрган кунини билмайсизлар, қизларим, айтган билан ишонмайсизлар!..» (Тўрахон ая). «Бемор»да («Осмон йироқ, ер қаттиқ», мақол) ва «Ўғри»да («Отнинг ўлимни итнинг байрами», мақол) сарлавҳа билан эпиграф ўртасида «Ўтмишдан» ёзуви бор. Қайд этилган «бурун замон», «ўтмиш» сўзларида, бизнингча, бу воқеалар факат қора ўтмишда бўлади, асар бугунги «саодатли» кунлар тасвири эмас, деган писандада бордай. Бу билан ёзувчи ўзини ҳимоялаётгандай, танқидий реализм тифини ўтмишга қаратаетгандай кўринади. Бу биргина эпиграфдан чиққан сабоқ, асар мазмуни эса, бизга яна ҳам (факат ўтмиш мавзусида эмас) кўпроқ сабоқ беради⁵⁹.

Биринчи жумла: «Туробжон эшикдан ҳовлиқиб кирар экан, қалами яктагининг енги зулфинга илиниб, тирсаккача йиртилди». Унда Қаххорга ярашмаган кўпсўзлилик бор, лекин фикрни бундан-да қисқа ифодалашнинг

⁵⁷ И=тибос ушбу манбадан олинди: Антонов С. Я читаю рассказ. – М.: 1971. – С. 5.

⁵⁸ Норматов У., Холмирзаев Ш. Устоз ибрати. // ?? - 1986. - Август. С.144.

⁵⁹ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 195.

ҳам йўли йўқ. Чунки қаҳрамоннинг уйга ҳовлиқиб киришини айтиш баён, хабар, холос. Абдулла Қаҳҳор ёзувчи сифатида китобхон ишонсин учун буни далиллаши керак эди, бадиий детал билан далиллаши. Шунинг учун ҳам қалами якtagининг енги йиртилади, жўнроқ ёзувчи қисқа қилиб, «якtagи йиртилди» деб қўя қоларди. Бироқ эшикнинг зулфини яктакни йиртмайди, унинг фақат бир қисмини йиртиши мумкин, қўл тегиши мумкин бўлган енгни. Лекин ёзувчи унинг «тирсаккача йиртилгани»ни кўрсатади. Бу билан Абдулла Қаҳҳор асар сюжетидан кутилажак, фавқулодда ҳодисанинг олис шабадасига ишора қиласи. Енги илиниб, қисқагина йиртилиши ҳам мумкин эди, бироқ Туробжон қалами якtagининг енги тирсаккача йиртилди. Демак, сюжет янада кескинлашиши ва кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ёзувчи биринчи жумлада сўзга эрк берганини сезгандай, иккинчи жумлада гапини йиғишириб олади: «*Унинг шашти қайтди*». Эшиқдан отилиб кирган (агар секинроқ кирганда енги йиртилмасмиди) қаҳрамоннинг шашти қайтди. Чунки ҳовлиқиб кириши, эшик зулфинини кўрмагани бутун нигоҳи хотинига қаратилганидан эди: «*Жўхори туяётган хотини унинг қўлидаги тугунчани кўриб, келисопни келининг устига қўя чопди*». Эрнинг эҳтиётсизлиги етмагандай хотин ҳам эҳтиётсизликка йўл қўйди: шошилиб келисопни нотўғри қўйди, келининг устига пасангисини келтириб қўймади. Натижада «*Кели лапанглаб аганади, чала туюлган жўхори ерга тўкилди*». Ночор кун кечираётган оила учун (эпиграфда бунга ишора бор эди) иккита кўнгилсиз ҳодиса: қалами яктак енгининг йиртилиши, жўхори (озуқа)нинг ерга тўкилиши⁶⁰. Бироқ ҳар икки қаҳрамон ҳам ҳар икки кўнгилсизликка эътибор бермади, чунки уларнинг кўнглида бошқа бир кўнгилли нарса бор эди – бу тугунча. Ёзувчи унинг ичida нима борлигини айтмайди, ҳар ким тугунчадан ўзича маъно кутади (сюжет тугунию ечими ҳам мана шу тугунчада). Туробжон бир неча кундан бери юзи ёришмаган хотинини қувонтиromoқчи, хотини эса, ҳамма нарсадан азиз билган мевасини тугунчада

⁶⁰ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P. 200.

кўрмоқчи. Албатта, эр «совға»ни хотинига шундоққина тутқазиб қўя қолмайди. «*Туробжон тугунчани орқасига бекитиб, тегишиди* (жуда ўзбекона оиласа хос детал, эҳтимол, еврўпали келинлар буни тушуммай, тугунни кўлидан шартта тортиб олар, ундан кутгани чиқса, бетидан чўлп этиб ўпиб қўяр; агар кутгани чиқмаса, худо кўрсатмасин, унинг юзига отиши мумкин эди): «*Акажон, дегин!*» - ялинтиromoқчи бўлди эр. «*Акажон! Жо-он ака!..*» - Туробжон кутганидан ортиқроқ жавоб берди хотин. Эр кутганига эришса ҳам бўш келмади: «*Нима берасан!*» Хотин бисотидаги борини ўртага солди: «*Умримнинг ярмини бераман!..*» Умринг қолган ярми ўтиб бўлганди, шунинг учун ҳам доно хотин қолганини эрига бағишлишини айтди. Эр рози бўлди шекилли: «*Тугунчани берди. Хотини шу ернинг ўзида, эшик олдида ўтириб тугунчани очди-да, бирдан бўшашиб кетди ва ...*»

Эрнинг шашти қайтиши ва хотиннинг бўشاшиши – параллел кечади. Аслида бундай параллеллар асарнинг бошидаёқ кузатилганди: Туробжоннинг эшиқдан ҳовлиқиб кириши – хотини тугунчани қўриши; эр яктагининг енги зулфинга илиниши – хотин келисопни келининг устига қўйиши; эрнинг енги тирсаккача йиртилиши – келининг ағанаши ва жўхорининг тўкилиши. Бироқ сўнгги параллел ҳолат ҳар иккисининг руҳиятини, ҳикоядаги характерини, асарнинг якунини белгиловчи асос бўлади. Эрнинг шашти қайтиши – хотиннинг «*секин бошини кўтариб эрига қараши*». Энди ҳолат, диалог ва сюжет ривожи параллеликка эмас, зиддият (антитетза)га айланади: «*Ўз қилмиишига гердайиб турган Туробжон*» - қўзи жиққа ёшга тўлган хотин.

Туробжоннинг гердайишича бор. У ҳаётдаги энг тансиқ нарсани хотинига олиб келди: «*Нима эканини билдингми? – Асаларининг уяси. Турган-битгани асал!*» Камбағал хотин умрида асал емаган, Туробжоннинг ўзи ҳам атиги бир марта еган: «*Шокирхўжса қандолатчи асал қиём қилдираётганда қозонига амманинг жўёжаси тушиб кетганди, шу жўёжсани ялаган... Ё, қудратингдан, ишонмайди-я, – деди Туробжон келтирган матоини титкилаб*». Хотини эса, ишонмаганидан эмас, балки тугунчадан кутган нарсаси чиқмаганидан маъюсланди. «*Туробжон қизарди*». Ёзувчи бу ҳолни

ҳам асослайди: «*У бир замон бетоб ўртогини йўқлаб элтган тарвузини, бемаза чиққан бўлса керак, сигирнинг охурида кўриб шундай хижолат бўлганди*».

Икки қаҳрамоннинг бири - маъюс, бири хижолатда. Ташқарида эса «*ҳовли юзида айланиб юрган оқсоқ мушук жўхорини исказ кўрди*». Бу камбағал оила учун яна бир йўқотиш, тўкилган жўхорини териб, тозалаб, ишлатиш мумкин, бироқ мушук текканини еб бўладими?! Туробжон баттар асабийлашди: «*дўпписини бошидан олди ва қоқмоқчи бўлганида кўзи йиртиқ енгига тушиби, юраги ачиди: энди уч-тўрт сув ювилган янгиана яктак эди!*» Шуларнинг ҳаммаси анорни деб бўлди, беихтиёр севикли хотинига бақириб юборди: «*Aхир, бошқоронги бўл, эвида бўл-да! – деди дўпписини қоқмасдан бошига кийиб, - анор, анор... Бир қадоқ анор фалон пул бўлса!*»⁶¹

«Хотини жўхорини тушиб бўлди», бироқ «*эрининг бошқоронги бўл, эвида бўл-да*» сўзи алам қилиб кетди: «*Ҳавасга анор ейди дейсиз шекилли...*» Ёзувчи мақсадини шу ўриндаёқ англатиб улгурди: йўқчилик туфайли инок оила дарз кетди. Туробжон ўзининг ҳолини англатиб, «*/алатимисан ўзинг?*» демоқчи эди. Ёзувчи 30-йилларнинг адабий фарзанди сифатида Туробжоннинг жавобида синфий руҳни кучайтиради. «*Биламан... Ахир, нима қиласай? Хўжайинимни ўлдириб пулни олайми, ўзимни ҳиндига ғаровга қўяйми?*»

Овқат пишди ҳамки, эр-хотиннинг арази тугамади. «*Туробжон икки коса ичди, хотини эса ҳануз бир косани яримлатолмас эди*». Ёзувчи бу сўзлар билан ҳам кифояланмай, янада кескинликни оширмоқчи бўлди: «*Унинг (хотинининг) имиллашини кўриб, Туробжоннинг кўзига негадир оқсоқ мушук кўринди. Мушук йиртилган енгини эсига туширди, авзойи бузилди*». Хотини буни сезиб, ичкиси қелмаса ҳам косани бўшатди. Аммо «*дарҳол том орқасига ўтиб кўзлари қизарган, чакка томирлари чиққан ҳолда қайтди*». Ёзувчи «хотин қайт қилди» демасдан уни шу ҳолда кўрсатади. Бироқ Туробжон баттар тутоқди, энди ёзувчи бу сафар эрнинг жаҳл қилишига

⁶¹ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P.202.

баҳона топиб беролмай қолди: «Ҳали туғилмаган болани ер юткур дединг-а!»

Ҳолбуки, хотин бундай демаганди. Унинг гапини қайта эшитиб кўрайлиқ: «*Бу ер юткур қандай бало экан!.. Одамлардай гулутага, тузга, кесакка бошқоронги бўлсам-чи!*» У туғилмаган болани эмас, ўзининг ҳомиладорлик ҳолатидан тўйиб «ер юткур» деган эди. Энди Туробжон кучайиб борарди. Эрнинг авзойини кўрган хотин тилини тийди, бироқ хотин киши эмасми, «*қозонга сув қуяётиб, эшитилар-эшитилмас* (яъни, ўзига ўзи) деди: *Ўша асалнинг пулига анор ҳам берар эди*». Бу гап эрни баттар тажанг қиласди, у ҳатто уриб юбориши мумкин эди, бироқ ёзувчи муштнинг вазифасини сўзга топширади: «*Берар эди. Анор олмай асал олдим... Ажаб қилдим, жигарларинг эзилиб кетсин!*» Сўнгги иборага адаб анчагина бадиий юк юклайди. Аёл киши, айниқса, бошқоронги аёл учун бундан ортиқ ҳақорат бўлмаслигини ҳикоя давомида икки бор эслатади⁶².

Ҳикояда асосий эстетик вазифани худди драмадаги каби ҳаракат ва нутқ бажаради. Дастреб ҳаракатни алоҳида адабий ҳодиса (категория) сифатида кузатайлиқ. Ҳикоя давомида Туробжон уйига икки марта кириб келади:

Биринчи келиши	Иккинчи келиши
<i>кундузи</i>	<i>ярим кечада</i>
<i>қўлида тугунча</i>	<i>катта бир тугун орқалаган</i>
<i>тугунчада асал (арининг уяси)</i>	<i>бир чойшаб анор</i>
<i>ҳовлиқиб</i>	<i>оқариб</i>

Бу икки ҳаракат ўзаро зидликка қурилгани кўриниб турибди: Биринчисида *кундузи* кириб келган бўлса ҳам, енги *йиртилди*. Иккинчисида *ярим кечада* бўлса-да, ҳатто қоқилмади, ҳеч ери *йиртилмади* ҳам. Дастреб қўлида кичкина *тугунча* бор эди, энди *катта бир тугун*. *Тугунчада асал арининг уяси* (ҳажми битта анорча келиши мумкин) бор эди, энди эса *бир тугун* анор. Туробжон

⁶² Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P. 206.

ҳовлиқиб кириб келган эди, чунки хотини хурсанд бўлади деб ўйлаганди-да. Кейин эса бир тугун анор билан оғир кириб келди. Бу сафар уни хурсанд қила олмаслигини сезган, шунга қарамай аччиқ устида ўғирлик қилади. Лекин ёзувчи уни «ўғри» деб ҳам атамайди, ўғирлик қилганини ҳам айтмайди. Буни китобхоннинг ўзи билиб олиши керак. Ўғирлик ҳар қайси ахлоқда ҳам, динда ҳам қораланган. Буни ёзувчи аввалги ҳикоясида кўрсатади, Ўрининг ўзи йўқ, лекин уни ёзувчи ўғирликка ҳукм қилади. Бу ерда эса, Туробжоннинг ўғирлик қилгани болага ҳам маълум, бироқ ёзувчи уни одоб юзасидан «ўғри» деб атамайди (Эҳтимол, яна синфийлик тамойилига кўра батрак бойнинг молини олса ўғирлик бўлмайди, бироқ Қобил бобонинг ҳўқизи йўқолса-да, ҳўқизни ўғирлаганни эмас, балки шу ўғирлик туфайли Қобил бобони талаганларни ўғри деб айтиши дурустдир. Ҳикоянинг русча таржимаси буни тасдиқлайди: «Ворў», яъни ўғрилар).⁶³

Агар ҳар икки қаҳрамон нутқини ҳам қиёслаб кўрсак, улар мантиқан бири иккинчисини давом эттираётгандай, бирининг саволига иккинчиси жавоб берётгандай туюлади. Бироқ бу «савол-жавоб»лар секин-аста ҳар иккисини ҳам жарга етаклайди. Устоз О. Шарафидинов тўғри кузатганидай, «Хотиннинг оламда суянган эри, бирдан бир орзуси анор эди, жанжал оқибатида иккиси ҳам йўққа чиқади»⁶⁴.

<i>Туробжон</i>	<i>Хотини</i>
1. - Ақажон, дегин!	1. - Ақажон, жо-он ака!
- Нима берасан?	- Умримнинг ярмини бераман!
2. - Ахир, бошқоронғи бўл, эвида бўл-да!	2. - Ҳавасга анор ейди дейсиз шекилли.
3. - Ҳали туғилмаган болани ер юткур дединг-а?	3. - Ўша асалнинг пулига анор ҳам берар эди.
- Берар эди, асал олмай анор	- Албатта, анор олмай асал

⁶³ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P. 208.

⁶⁴ Шарафиддинов О. Истеъод жилолари / Абдулла =ашшор. Асарлар. Биринчи том. – Т.: 1967. – Б.11.

олдим!	олгансиз!
4. - Ажаб қилдим, жигар-ларинг эзилиб кетсин!	...
5. - Ма, буни тик! Бўл... сенга айтипман!	5. - Ҳа, мунча! Туртмасдан гапира беринг...
- Камбағалчилик...	- Камбағалчилик ўлсин!
6. - Э, ҳой, анор олиб бермадимми?	6. - Йўқ!
7. - Ўтган бозор куни еган анорингни ўйнашинг олиб келганмиди?!	7. - Ўйнашим олиб келган эди!

Ҳикоядаги бор диалог шу. Аввал уларнинг сухбати қовушаётган, унда илиқсамими рух ҳукмрон эди. Иккинчи нуқтадан сухбат совуй бошлади. Учинчи нуқтада ўртага совуқчилик тушди, тажанглик бошланди. Тўртинчи нуқтада Туробжоннинг гапи муштнинг вазифасини бажарди, хотин жавоб беролмай қолди. Бешинчи нуқтадан бошланган жеркиш, олтинчи нуқтага етиб, инкорга ўтди. Нихоят, ўртага эр-хотининг урушининг кульминацияси - «ўйнаш» тушди.⁶⁵ Табиийки, хотин сўнгги сўзни айтганда, эрнинг қўли муштга борди: «*Туробжон билолмай қолди: хотинининг елкасига тениб сўнгра ўрнидан турдими, ё туриб кейин тендими...*» Кейинги поэтик сатҳ сухбат ёки жанжал эмас, ҳаракат асосига қурилган (энди хотин аввалгидай кескинликни ошириш ўрнига муросага боряпти):

Туробжон	Хотин
уидан чиқиб кетди ...кириб келди	узоқ ииғлади ...елкасига қўлини қўйди

Эҳтимол, буни яраш аломати қабул қилиш ҳам мумкин, лекин иноқ эр хотин муносабатига йўқчилик сабаб аллақачон дарз кетиб бўлганди. Ҳар бир

⁶⁵ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P. 210.

гапда пастроқ келиш, имкон қадар жанжал чиқармасликка уруниш, гапирганда ҳам қозоннинг бошига бориб, «эшитилар-эшитилмас» гапириш - бу эрининг муштидан қўрқсан хотиннинг муштипарлиги эмас, балки ҳар бир ўзбек хонадонига хос ҳолат эканини Қаҳхор уқтира олган. Бироқ шундай иноқ оиласа (дастлабки муомалада кузатилган) дарз етказувчи восита *анор* бўлди.

Бунга яқин сўзма-сўз талқин усулини деярли ҳамма қаҳхоршунослар кузатувида ҳам кўриш мумкин эди: М. Қўшжонов ва У. Норматов⁶⁶, В. Смирнова ва И. Боролина⁶⁷. Тўғри, бироқ бу усулдан «ўтмишга бўлган нафрат», «ҳикоя конфликтини асослаш», «Чехов анъаналарининг давоми» каби хulosаларга келинган. Матнинг шундай мушаккал қурилгани, ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир бўғин муайян бадиий мақсадга қаратилганлигини ва бадиий юклама ташиётганини эслаш баробарида қаҳхоршунослар эришган нуқталарни тақрорлайлик. Анъанавий талқинда бош қаҳрамон – батрак Туробжон (И. Боролина)⁶⁸, бошқоронғи аёл (М. Султонова)⁶⁹. Структурал талқинда бош қаҳрамон – Туробжон ҳам, унинг хотини ҳам эмас. *Анор!* Асар конфликтининг бош сабаби ҳам, сюжетдаги тугун ҳам, ечим ҳам анорга боғлиқ. Бу фақат сарлавҳада акс этгани учун эмас, балки ҳикоя сюжети ҳам «анор» (анор деб тасаввур қилинган нарса)нинг асар воқеасига кириши билан бошланади ва *анор* (ҳақиқий анор)нинг хонадонга кириб келиши билан якунланади. Мана шу икки *анор*: ёлғон анор ва рост анор ўртасидаги турмуш; икки қутб ўртасидаги ҳаёт: ёлғон (ҳаёт) ва рост (ўлим) асарнинг моҳиятини белгилайди⁷⁰.

Анор – мулоқот воситаси, коммуникатив бирлик. У, асосан, қарама-қаршиликларни бирлаштиради: кун ва тун, эр ва хотин, севги ва алам, эр мушти ва хотин қўзёшиси... Демак, у мувозанатга ҳам олиб келади. Хотин анорни кутиб яшайди, эр анор олиб келишини ўйлаб. Анор можароси оилани

⁶⁶ Эшжонов М., Норматов У. Мащорат сирлари. – Т.: 1967. С122.

⁶⁷ Боролина И. В. Абдулла Каххар. – Т.: 1957. – С. 81.

⁶⁸ Кўрсатилган асар. Б.56

⁶⁹ Султонова М. Ёзувчи услубига доир. – Т.: Фан, 1973.

⁷⁰ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P.63.

бирлаштириши ҳам мукин эди, лекин унинг дарз кетишига ҳам мана шу анор сабаб бўлди. Бундан ташқари ёзувчи яна анорга қанчадан-қанча маъновий юк ортган.

Анор – тўқлик белгиси (Муллажон қозининг боғи – боғ эмас, нақ анорзор). Анор – ёруғлик тимсоли, уни ўйлаганда аёлнинг кўнгли ёришади, худди мушакдан ёришган тундай.

Анор – вақт тимсоли, воқеа анор пишиғида кечади...

Ҳикоядаги вақт бирлиги ҳаракат ва макондан ҳам аниқроқ ишланган. Туробжоннинг уйга кириб келиши чоғида хотин кечки овқатга уннамоқчи эди (жўхори туйиб, суюқ ош қилмоқчи). Қоронги ҳали тушмаган эди, яктакнинг енги йиртилиши қоронғуликда кўрмай қолишлиқдан эмас, bemavrud ҳовлиқишдан... ва ҳикоя якунланганда ҳали тонг отмаган эди. Воқеа тахминан 10-12 соат ичида кечади. Ихчамгина ҳикоя бағрида бу ярим суткага яқин вақт имиллаб ўтади, худди оқсоқ мушук сингари. Дарвоқе, мушук нега оқсоқ деган саволни айрим синчков мунаққидлар ўртага қўйишган, лекин унинг жавобида эса шунчаки деталь ёки пунктир сифатида кейинги воқеаларнинг хунук ривожига тимсолдай қарашган. Ҳолбуки, оқсоқ мушук – вақт тимсоли. У секин ўтади. Эр икки коса овқатни пақкос туширганда хотин ҳали косани яримлатмаганди. Буни кўрган «*Туробжоннинг кўзига негадир оқсоқ мушук кўринди. Мушук йиртилган енгини эсига туширди, авзойи бузилди*», хаёлига судралиб келган оқсоқ мушук эмас, хотиннинг имиллаши ғашини келтиради: «*Унинг авзойидан «эсиз, жўхори, қатиқ, ўтин» деган маънони англаб хотин, кўнгли тортмаслигига қарамасдан, косани бўшатди*». Демак, вақт бирлиги – оқсоқ мушук хотинга косани бўшатишга ёрдам беради. Оқсоқ мушук асарда бошқа кўринмайди. Энди вақтни англатувчи тушунчалар юки сўзларга тушади:

«*Унинг Туробжон билан уй қилганига уч йил бўлиб келаётир*»,

«*Хотин уйга кириб кетди. Анчадан кейин дарчадан хира шуъла тушиди*»,

«*Туробжон ҳам дарча ёнида (бир муддат) ўтироди*»,

«Туробжон оғзини катта очиб ҳам эснади, ҳам уф тортди»,

«Бўл, - деди Туробжон, бирпасдан кейин, - ол...»

«Туробжон уйдан чиқиб кетди. Бирпасдан кейин кўча эшиги очилиб ёпилди»,

«Хотин узоқ йиғлади... Самоварлар ётган. Қайтиб уйга кирди»,

«Том орқасида хўроз қанот қоқиб қичқирди»

Бу жумлаларнинг семантик маъноси ва қаҳрамон феъл-авторига тегишли нуқталаридан ташқари вақтни англатишига эътибор берайлик. Асарда вақт оқсоқ мушукдай имиллаб ўтмоқда, воқеанинг бошланишидаги шиддатдан жанжал бир соатга чўзилмайдигандай туюлади, бироқ ёзувчи уни тонггача чўзади. Чунки, муаллифнинг топшириғига кўра Туробжон ўғирлик қилиши керак эди. Уни намозасирда, шамозшомда ёки хуфтон вақтида эмас, эрта тонг қоронғусида бажарсагина китобхон ишонади, ўғри ҳам йўлда тутилмай уйга эсон-омон кириб келади.

Ҳикоянинг финали - Туробжоннинг «катта бир тугунни орқалаб» уйга кириб келиши. Ундан кейинги сўзлар («Қаёққа бордингиз? - деди энтикиб. – Нима қилдингиз? Туробжон жавоб бермади. Унинг вужуди титрар эди») гўёки ортиқчадай, Чеховнинг «милтифи» отилгандан кейинги ҳолатдай. Новелла учун муҳими – портлаш, милтиқнинг отилиши. Айни шу пайтдаёқ асардаги сюжет чизифи тугаган, ёзувчининг кейинги сўзлари гўё китобхонга ёрдам бермоқчи бўлиб айтилгандай, унинг ўғирлик қилганини эслатмоқчи бўлгандай эди.

Ёзувчи қаҳрамонига тонг қоронғусида ўғирлик қилдириш учун атайлаб вақтни чўзгани сезилади. Қолаверса, у уйдан чиқиб кетганча қаерга борди, анорни қаерлардан излади. Аввал сўраб, бермаган эгасини уриб олдими, ё эгаси кетиб қолишини кутиб турдими у ёғи, бизга тундай қоронғу. Бу воқеалар матн ортида кечгани учун биз уни кўрмадик. Бироқ ёзувчининг ишорасига қараганда у Муллажон қозининг боғига борган. Тўй тарқашини кутган бўлиши ҳам мумкин, ҳеч бўлмаса, мушакбозлик тинишини кутгандир. Бироқ булар ёзувчи ҳукми учун номуҳим бўлгани учун Туробжоннинг

ўғирлик қилишини кўрсатмайди. Ҳикоянинг ҳажми «Бемор»дан ҳам, «Ўғри»дан ҳам катта. Ёзувчи ўз услугига зид ҳолда ҳикояни чўзади, бироқ буни биргина якун билан оқлаш мумкин, чунки ўғирлик тонг қоронгусида қилиншии керак эди. фақат хulosса муҳим – портлаш: «*У тугунни уйнинг ўртасига ташлади. Бир чойшаб анор ҳар томонга юмалаб кетди...*»

Структурал поэтикада *модел* тушунчаси бор⁷¹. Модел биргина детал (оқсоқ мушук), бирор предмет ёки тимсол (анор) ва ҳатто бутун бир асар (ҳикоя) модель каби қурилиши мумкин. Модель ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги тахайюли, тасаввuri. У катта ҳаёт моҳиятини мана шу кичик парчада кўради, кўрсатади. Ёзувчи талқинидаги ҳаётнинг бир парчаси бизга катта ҳаёт ҳақида тасаввур беради, уни англатишга хизмат қилади⁷².

Демак, Абдулла Қаҳҳор ёзувчи сифатида ўз олдига қўйган ғояни китобхонга англата олди: муҳтожлик кишини ҳар кўйга етаклаши мумкин. У қайси замон ва маконда содир бўлишидан қатъий назар (коммунизм тантанаси деб кўрсатганимиз шўро давридами, барча эришганларимизнинг боиси деб билаётганимиз мустақиллик шароитидами) муҳтожлик инсонни нафакат жиноятга, балки эрксизликка олиб келади. Инсон ўзининг эркини муҳтожлик туфайли кимларнидир қўлига тутқазади, иқтисодий қарамлик маънавий тобеликни келтириб чиқаради. Ёзувчи оилавий турмушнинг оддий бир воқеаси, бир куни тасвири орқали ҳикоянинг бир парча бағрида шундай умуминсоний теран хulosалар қилишга йўл беради. Абдулла Қаҳҳор маҳоратининг муҳим жиҳати ҳам мана шунда.

4- амалий машғулот. Мумтоз шеърий матнни таркиблаб тушуниш ва таҳлил этиш тамоийиллари

1. Шеърий нутқ ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Мумтоз шеър навълари, уларнинг жанр ўзига хосликлари.
3. Мумтоз шеър ритмикаси. Аруз вазни талаблари асосида таҳлил.

⁷¹ Лотман М. Структуральная поэтика и ее место в наследии Ю.М.Лотмана / Структура художественного текста. – Санкт-Петербург, 1996. – С. 675-686.

⁷² Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P. 216.

4. Мумтоз қофия ва унинг структурал таҳлилдаги ўрни.
5. Мумтоз шеърий матнларда бадиий санъатлар ва уларнинг матн поэтикасидаги ўрни.

Матн таркиби (структураси) жиҳатидан мутахассислар аввал *асосий* ва *ёрдамчи* матнни фарқлайдилар. Асосий матн бевосита ёзувчи томонидан ўқувчига йўналтирилган бадиий асарнинг сюжетли қисмидир. У ўз ички ва ташқи таркибий тузилишига эга. Бадиий асар ягона яхлит маконни ташкил қиласи ва унинг таркибida яна шундай ички матнлар: асар ичидағи асар (обрамление), бирор ҳужжат намунаси, мурожаат ёки алоқа хати, кундаликлар ва бошқалар ҳам келиши мумкин⁷³.

Ёрдамчи матн дейилганда сарлавҳа ва изоҳлар каби маҳсус ўрганилишга лойиқ қисмлар, сарлавҳа остидаги жанрий изоҳлар, эпиграф, бағишлоғ, муаллиф сўзбошиси, ёзилган сана ва ўрни(нинг кўрсатилиши), драматик асарларда эса қатнашувчилар рўйхати...»⁷⁴ кабилар тушунилади.

Асосий матн шеърий асар бўлса, у таркибан банд (строфа), мисра (стих) ёки байт (ғазал, қасида, маснавийда)дан тузилади; бармоқ вазнида (силлабик ва силлабо-тоник тизимда) туроқ ва бўғинлардан; аруз вазни (метрик тизим)да эса руқн ва ҳижолардан иборат. Шеърий матннинг бундай ташқи кўринишли (визуал) ҳолати ритмга асосланган ҳолда амалга оширилади. Агар у насрий йўлда битилган бўлса, матн қисм (ёки китоб) ва боблардан иборат бўлади. Улар ўз навбатида хатбоши (абзац), гап (жумла) ва синтагма (кичик маъноли қисм)га бўлинади. Драматик асарлар эса сахнада кўрсатилишга мўлжаллангани учун парда, акт (кўриниш), ремарка ва қаҳрамонлар нутқидан иборат. Бадиий матннинг бундай ташқи ташкилланиши ва унинг қисмлари билан *архитектоника* шуғулланади (айримлар буни композицияга йўйишадики, бу матн таркибига нисбатан нотўғри холоса). XX аср бошларига қадар мумтоз адабиётшуносликда сюжет

⁷³ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P.160.

⁷⁴ Хализев В.Е. Текст / Введение в литературоведение. Литературное произведение: основные понятия и термины. М.: Academia, 1999. С.406.

ва фабула муносабатида бўлгани каби архитектоника ва композиция нисбатида ҳам баҳсли қарашлар кўп бўлган.

Бадиий матннинг ички конструкцияси сўз санъатида уни муайян асар курилиши билан боғлиқликда ўрганади. Бу жиҳатдан матн ва асарга тенглик аломати қўйилмаса ҳам кўпроқ шакл ва мазмун бирлиги ҳамда уларни бадиий бутунликда тутиб турувчи компонентлар нисбатидан келиб чиқиш лозим. Чунки матнда ҳеч бир компонент, ҳатто кичик бир детал ҳам мазмун жиҳатдан мустақил тарзда яшамайди. Улар доимо бир тирик организмни ҳаракатга келтириб турувчи аъзолардай бири иккинчисини тақозо қиласди. Матн конструкциясини ўргангандан мана шу тақозолик, яъни ички алоқадорлик сақланиши лозим. Мумтоз адабиётшунослик бадиий матн таркибига муносабатда мана шу ички алоқадорликдан кўра, уларнинг шартли равища узвларга тақсимлаш ва ҳар бир компонентнинг матндаги ўрни ва вазифасини имкон қадар аниқроқ кўрсатиш йўлидан борган. Шунинг учун ҳам XX аср бошларида юзага чиқсан адабий мактабларда матнга дастлабки муносабат унинг компонентларини ўрганишга киришиш билан бошланди. Бу жиҳатдан мазмунни устувор деб билувчи *вульгар социологик* қарашлар билан матннинг бадиий санъат асарига айланишида “хизмат қилган” шакл компонентларини ўрганишга ҳаракат қилган формал оқим вакиллари ўртасида кескин курашлар кузатилди⁷⁵.

М.Бахтиннинг «Тилшунослик, филология ва бошқа гуманитар фанларда матн муаммоси» иши гарчи тугалланмаган тадқиқот ҳисобланса-да, матн билан иш кўрадиган гуманитар фанлар учун асосий йўналиш беради. Муаллиф ёзишича, матн филология фанларида дастлабки берилганлик (первычная данность) сифатида қабул қилинади. «Матн шундай борлиқ (фикр ва туйғулар борлиғи)дирки, ундан барча гуманитар фанлар озиқланадилар. Қаердаки матн бўлмаса, у ерда тафаккур ва тадқиқ этилувчи объект ҳам бўлмайди»⁷⁶. Аввал матннинг бирламчи эканига ишонч бўлиши

⁷⁵ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P.185.

⁷⁶ Бахтин М.М. Проблема текста в лингвистике, филологии и других гуманитарных науках / Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986. С. 297.

керак, сўнгра унинг талқинига ўрин берилади. Шунинг учун ҳам тадқиқот мақсади қандай бўлишидан қатъи назар, бошланғич манзил (исходной пункт) матнdir. Адабиётшунос учун матннинг ифодавийлиги, яъни санъат асари сифатида муайян фикр ва туйғуларни ифодаловчи восита, ўз ўрнида тадқиқот обьекти бўлиши мумкин. Ифодавийлик муаллиф нияти ва унинг ижросида кўзга ташланади. Бу икки омилнинг ўзаро динамик муносабати матн тақдирини белгилайди. Муаллиф нияти қатъий равишда асарнинг сўнгига қадар сақланмаслиги мумкин. Чунки ният ижро давомида бадиийлик қонуниятларидан келиб чиқиб ўзгаради. Бу жиҳатдан муаллиф тасвирдаги характер мантиғидан келиб чиқади. Масалан, Лев Толстойнинг ниятига қўра, асар ниҳоясида Анна Каренина княз Вронскийга турмушга чиқиши лозим эди. Бироқ қаҳрамон муаллиф ниятига «бўйсунмай» ўз жонига қасд қиласди. Ёки Абдулла Қодирий учун Кумушнинг Зайнаб томонидан заҳарланиши режадаги сюжет чизигида белгиланмаган эди, персонажнинг бу ножўя ҳаракати муаллифни ҳам ларзага солади ва муаллиф ҳам ўз қаҳрамони ўлимидан азият чекади.

Агар матн муаллифини бирламчи субъект деб белгиласак, матн таҳлилида иккинчи субъект китобхон ҳам қатнашади. Худди шу ҳолнинг ўзи матнга нисбатан диалогик муносабатнинг илк шаклидир. Бундан ташқари матннинг ташқи жиҳатлари унинг «ичкариси» билан ҳам диалогик муносабатга киришади. Шу ўринда тадқиқотчи бу диалогик муносабатнинг ҳар икки томонидан хабардор бўлиши лозимки, у матндаги ташқи лексиологик ва стилистик бирликлар билан иш кўрса, матн «ичкариси»даги эстетик моҳиятдан узоқлашиши мумкин⁷⁷.

Демак, бу билан матннинг лингвистик бўлмаган бошқа бир эстетик жиҳати юзага чиқадики, адабиётшунос кўпроқ мана шу жиҳат ва унинг атрофидаги масалалар билан машғул бўлиши лозим. Бу дегани тадқиқотчи фақат эстетик билимлар доирасида иш кўриши керак дегани эмас, балки у матн ортида турган табиий (миллий) тил – нутқ фаолиятини ҳам чукур

⁷⁷ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P. 122.

ўзлаштириши лозим. Чунки ҳар бир матн тил орқали реаллашади, бадий асарда унинг реаллашув жараёни эса одатдаги грамматик қонуниятлар асосида юз бермаслиги мумкин. Шу ўринда лисоний ва эстетик таҳлил шунчаки бирлашибигина қолмай, балки тил материали ва ифода воситаларнинг диалектик муносабатига эътибор қаратилади. Бу вазифаларнинг жорийланиб, мақсад сари олиб борилиши билан бирга вазифаларнинг ўзгариши ҳам ҳар икки талқин чегараларининг ўзгаришига сабаб бўлади. Бу ўриндаги фарқ фонология билан фонетика ўртасидаги фарқ кабидир. Фердинанд де Соссюр тил ва нутқнинг фарқлагани каби унинг давомчиси Н.С.Трубецкой ҳам фонетикани материал ҳолидаги нутқ товушларини ўрганувчи, фонологияни эса тил тизимида алоҳида маънони (поэтик маъно бўлиши мумкин – Ҳ.Б.) фарқлаш вазифасига эга бўлган таълимот сифатида кўрсатган эди.⁷⁸

М.Бахтин матн структурасида англашилиши лозим бўлган *руҳ ҳақидаги таълимотни* матн поэтиказини ўрганишга сафарбар этади. Чунки руҳ матнгача аввалдан белгилаб қўйилган қоидалар асосида эмас, балки матнни амалга ошириш жараёнида белгилар орқали содир этилади. Матн назариясидаги бу жиҳат чуқур, бой ва нафис тушунилиши керак. Актёр ижросида унинг ҳаракати, имо-ишора белгилари муайян вазифани бажаргани каби матндаги белгиларнинг ҳаракатини ҳам нозик кузатиш керак бўлади. Чунки матн ҳаёти ва тақдири доимо «икки онг ва икки субъект» (юқорида эслатилган муаллиф ва адресат – Ҳ.Б.) чегарасида ривожланади. Бу икки онг учрашуви тайёр (ҳаёт материали – Ҳ.Б.) ва матндаги мураккаб алоқадорлик – қолипловчи контекстнинг яратилиши ҳамда идрок этилиши билан ниҳояланади. Ҳар икки қутбнинг иштироки яратувчи тилининг умумийлиги ва яратилаётган матннинг ягона бетакрорлиги шартидир. Ҳар қандай яратилган ижодий матн маълум маънода шахснинг эркин ва олдиндан белгилаб қўйилмаган ижроси заруратидир⁷⁹.

Бадий матнда «юксаклик (возвышенность) ва гўзаллик» бу оддий

⁷⁸ Қаранг: Трубецкой Н.С. Основы фонологии. М., 1960.

⁷⁹ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P.133.

маънодаги алоҳида лексик бирликлардан ташкил топган фразеологик бирикма эмас, чунки алоҳида олган «гўзал» ва «юксак» сўзлари икки овозилиқдан маҳрум. Бадиий матнда эса уларнинг ўзаро бирлиги – фразеологик бирикма тарзидаги умумий маънода эмас, балки ўзга (ўзига хос) хусусиятли (юксаклик + гўзаллик = бадиий янгилик) эстетик ҳодиса эканлигидадир.

Бадиий матнда муаллиф муаммоси, М.Бахтин фикрига кўра, матн давомида ечилиши лозим бўлган таянч истилоҳлардан бири. Олим ёзади: «Асарда муаллиф муаммоси ва унинг ифода шакли. Муаллиф образи ҳақида қайси меъёрда гапириш мумкин? *Муаллиф образи* деб аталган ҳодиса бошқа бадиий образлардан фарқланувчи алоҳида образ типидирки, бу образ матнни яратган муаллифдир. «Мен» номидан ҳикоя қилувчи баёнчи образи, автобиографик асарлар қаҳрамони, лирик қаҳрамон ва бошқалар – буларнинг ҳаммаси муаллиф шахсига муносабат орқали ўлчанади ва алоҳида тасвир предмети сифатида белгиланади»⁸⁰. Кўринадики, муаллиф образи матн таркибидаги соф муаллиф эмас. У китобхон қалбининг тубида, марказида туради. Лекин бу марказ ҳеч қачон бадиий образлардан бири бўлолмайди. У асарда яхлит, юқори даражадаги образнинг таркибий қисми холос. Бу ўринда ўз-ўзини ифодалаш – бошқалар учун ўзини обьектга айлантиришдир... Муаллифнинг тасвирга муносабати ҳар доим образ таркибига киради. Муаллиф муносабати – образнинг конститув моментидир. Бу муносабат ўта муракқаб бўлиб, уни тўғридан-тўғри баҳога менгзаб бўлмайди...⁸¹

Тилшунослик ҳам матн билан иш кўради, асар билан эмас. Яъни у асар ҳақида нимани гапирса, унинг матнига тегишлидир. Соф лисоний муносабат – бу белгининг белгига ва тил тизими доирасидаги белгиларга ёки матнга муносабатидир. Ифоданинг реал борлиқقا ва бошқа реал ифодаларга муносабати ўша ифоданинг ҳақиқий, ёлғон ҳамда гўзал ва бошқалар эканини билдирадиган муносабат бўлиб, ҳеч қачон тилшунослик предмети бўла

⁸⁰ Бахтин М.М. Проблема текста в лингвистике, филологии и других гуманитарных науках / Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986. С. 310.

⁸¹ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P.166.

олмайди. Чунки тил бирликлари орасида тил тизимининг қайси даражасини олмайлик диалогик муносабат бўлиши мумкин эмас (фонема, морфема, лексема, гаплар ва бошқалар). Ифода – бадиий матн нутқий бутунлик сифатида сўнгги, юқори босқичдаги тил тизимининг асоси сифатида қабул этилмаслиги мумкин – у бутунлай бошқа даражадаги муносабатлар тизимиға киради. Матндаги ифодавийлик – бу энди тил тизими эмас, аммо маъно (қадриятга, ҳакиқат ва гўзалликка бўлган баҳони ўз ичига олган) яхлит моҳиятга эга бўлган нутқий мулоқот бирлигидир⁸².

М.Бахтиннинг бундай қарашлари нафақат матн таркиби, балки уни (юқорида кўрилгани каби) ўрганувчи фанлар ва тизимлар, матн назарияси ва трансформацияси, бадиий матнда муаллиф образи ва унинг асардаги табиати каби қатор хусусиятлар билан боғлиқдирки, биз бу тизимли қарашларнинг ўзаро ички алоқадорлигини бузмаслик учун бир ўринда кетма-кет келтирдик. Иккинчидан, М.Бахтин асари тугалланган ва шаклланган тадқиқот эмас, балки унинг ўзи айтганидек, «фалсафий таҳлил тажрибаси»дирки, биз тезис шаклидаги қўйилган масалаларни имкон қадар тугалланган жумлалар қабилида беришга харакат қилинди.

Бадиий матн амалиётида бевосита матн таркибига алоқадор бўлган тушунчалар борки, улар: матности (подтекст), матннинг маъно майдони (контекст) ва матнларораси ҳодисаси (интертекстуаллик) каби истилоҳлар орқали тушунирилади.

Подтекст – (калкалаш орқали рус тилига олинган – инглизча: subtext; ўзбекча: матности) – жиддий ва чуқур адабий асарларда ички «сувости оқими» бўлиб, асарнинг асосий концепциясини ташийди⁸³. Э.Хемингуэй бадиий асарда “айсберг” ғоясини илгари сурган. Унингча, асар маънонинг ўндан бир қисмини олиб кўрсатади, ўндан тўққизи эса матностида қолади. Матности нутқ бирликларида кузатган В.В.Виноградов бу ҳолатда «сўзнинг тўғри лексик маъноси ўз моҳиятини йўқотади ва нутқнинг ички

⁸² Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P.220.

⁸³ Борев Ю.Б. Энциклопедический словарь эстетики и теории литературы. М., 2008. Электронная версия. П-42.С.259.

мазмунини белгилайди» деб ёзади⁸⁴. Ж.Куддон пъесанинг матности хусусияти ҳақида гапириб, айрим персонажлар ўзлари қатнашаётган уруш моҳиятини англамасликлари мумкин. Матности яширин ситуацияларда, сюжет оғушида кўринади. Бу истилоҳ XX аср сўнгида “яширин дастур”га алмашинганини ёзади⁸⁵.

Шарқ, хусусан, ўзбек адабиётида «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» тарзида айтилган матн турлари кўп. Масалан, Фитратнинг «Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари» драмаларида воқеа Ҳиндистонда юз берса-да, матностида Туркистон тушунилади. Худди шу каби Э.Воҳидовнинг «Руҳлар исёни» асарида бенгал шоири Назрул Ислом тилидан айтилган *Бизда зугум, ҳақсизлик бор – бу барчаси ёмондир, лекин буни зинҳор-зинҳор айтиб бўлмас замондир сўзлари бенгал ҳаёти ва шоири яшаган даврга нисбатан айтилса-да, матностида шўролар замони назарда тутилгани ўқувчининг идрокига ҳавола қилинади*⁸⁶.

Контекст (лотинча: contextus – боғланиш, занжир) – матннинг маъно майдони бўлиб, унда бадиий матндаги ҳар бир ички қурилма маъно томонидан бошқарилади, асар талқинида мана шу майдондаги маъно назарда тутилади. Ҳ.Бенак бу истилоҳни маъно майдони бирлиги сифатида қабул қилган ва ички алоқадорлик туфайли матннинг айрим қисмларининг ажратилиб кўрсатилишини назарда тутган⁸⁷. Бу маъно майдони бир жумла таркибида, бир хатбоши (абзац) ёки шеърдаги бир банд (строфа) орасида ёки умуман, бутун матннинг ичида бўлиши мумкин. Матн майдонининг бузилиши матннинг бадиий бутунлигига ўз таъсирини ўтказади ва бадиий образ орқали ифода этилаётган муаллиф фикрини нотўғри тушунишга олиб келади⁸⁸. Бу гўёки мумтоз адабиётдаги «иҳом» санъатини эслатади, муаллиф сўзнинг ёки жумланинг матндаги зоҳирий маъносини эмас, аксарият ҳолда ботиний

⁸⁴ Виноградов В.В. Поэтика и ее отношение к лингвистике и теории литературы / Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. М., 1963. С.164-200.

⁸⁵ Guddon J.A. A Dictionary of Literary Terms. N.-Y., 1972.

⁸⁶ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 163.

⁸⁷ Benac H.V. Nouveau Vocabulaire de la Dissertation et des Etudes Litteraires. Paris, 1982.

⁸⁸ Литературный энциклопедический словарь / Под ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. М.: СЭ, 1987. С.165.

маъносини назарда тутади. Бу ҳолат ҳар қандай матнда, хусусан, шеърий нутқ асосига қурилган асарларда ва тасаввуфий талқиндаги рамз ва ишораларга бой матнларда учрайди.

Интертекстуаллик (французча: intertextuality; сўзма-сўз маъноси: матнларораси) – бадиий матннинг ички алоқадорлиги бўлиб, у ташки ҳаёт воқеаларига эмас, балки матннинг ўзига ва бошқа матнларга муносабатидир. Интертекстуаллик ҳодисаси структурализм (Р.Барт)⁸⁹ ва унинг асосидаги постструктурализм истилоҳи сифатида майдонга чиқсан. Ю.Кристеванинг ёзишича, ҳар қандай матн кўчирмалар (кенг маънодаги) мозаикасини эслатади ва қандайдир бошқа бир матннинг трансформацияси каби хотирада сақланади. Шунинг учун (М.Бахтингдаги – Ҳ.Б.) интерсубъективлик ўрнига *интертекстуаллик* тушунчасини киритиш лозим. (Чунки “адабий сўз” – матн майдонларининг туташув жойи, турли хил ёзувлар диалогидир”⁹⁰.

Сўнгти икки асар бўсағасида энг кўп муноザалар объектига айланган ҳодиса *интертекстуалликни* «аноним формулаларда умумий майдонда» учрайдиган матн таркибида келган аввалги асарларнинг маълум қисми (аъзоси), улар “қўштирноқсиз келтирилган, онгиз ёки автоматик тарзда ишлатилган матн» аъзоларидир, каби тушунтириш кенгайган.⁹¹ Интертекстуалликнинг бундай маъно жиҳатдан кенгайишини асослаган Ж.Куддон “у матнлар орасидаги (адаптация, таржима, тақлид, аллюзия, плагиат, пародия) турли хил кўплаб алоқалар” деб тушунтиради ва структурализм бўйича, матн – бу тизим, бунда тил реалликка эмас, балки ўша матн ичига ва унинг образларига муносабатдир” деган фикрни ёқлади⁹².

5- амалий машғулот. Мумтоз шеър шакллари ва уларнинг таҳлили методикаси

5. Лирик жанрлар ва уларнинг таҳлилидаги ўзига хосликлар.

⁸⁹ Барт Р. Избранные работы. Семиотика.Поэтика. М., 1989. С. 428.

⁹⁰ Кристева Ю. Бахтин, слово, диалог, роман (1967) // Французская семиотика. От структурализма к постструктурализму. М., 2000. С. 429.

⁹¹ Современное зарубежное литературоведение: Энциклопедический справочник. М., 1979. С. 281.

⁹² Gudden J.A. A Dictionary of Literary Terms. N.-Y., 1972.P.88.

6. Ҳозирги ўзбек шеъриятидаги мумтоз жанрлар ва уларнинг бадиий таҳлили масалалари.

7. Аруз вазнида ёзилган шеърларнинг ритмик бирликлари.

8. Катта лирик жанрдаги шеърлар (таркиббанд, таржеъбанд) ритмикаси.

Адабий асарнинг таркибий қисмларини ўрганиш жараёнида мутахассис дуч келадиган дастлабки иккилиқ, бир-бирини тақозо қиласидиган шакл ва мазмун (айрим манбаларда – *мундарижса*) муносабатидир. Бу муносабатнинг бадиий асар таркибидаги вазифаси хусусида дастлаб Афлотун фикр юритган бўлиб, асардаги шакл ва мазмун муносабатини *эйдос ва идея* истилоҳлари билан белгиланган. Арасту ўз устози қарашларини янада чуқурлаштирган, унингча, «*нима* – тақлид предмети бўлса, *қандай* – тақлид воситасидир»⁹³. Бошқа бир ўринда биз мазмун деб атаётган тушунчага нисбатан турлича «моҳият», «идея», «логос» каби истилоҳларни қўллашига қарамай, шакл (форма)ни «нарсанинг мавжудлик моҳияти, белгиси» деб талқин қиласиди⁹⁴. Демак, бадиий асар дастлаб нимани қандай тасвирлаш лозимлиги ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўзаро алоқадорлигини ilk бор Атасту томонидан қайд этилган. Ҳегел мазмуннинг шаклга қуилиши, шаклнинг мазмун орқали идрок этилиши хусусида фикр юритиб, уларнинг ўзаро тақозо этилишини диалектик бирликда ифодалайди. «Санъат асарида, – деб ёзди у, – мазмун (идея) ва унинг ифодаси (шакл) бир-бирини максимал равища тақозо қиласиди: бадиий мазмун ўз-ўзидан аниқ бўлса-да, ўзини кўрсатиш тамойилига эга ва у ўз шаклини эркин ифода қила олади».⁹⁵ Маълум бўлишича, Ҳегел диалектикаси Шарқ фалсафасидаги тажалли назарияси асосига қурилган.

Фалсафада бадиий асардаги бу муносабат асосига шакл ва материя (борлик) тушунчалари қўйилган. Мумтоз адабиётшуносликда сурат ва маъни истилоҳлари билан берилган бу доимий муносабат ислом фалсафасида *кулл*

⁹³ Арасту ҳаким. Поэтика, Риторика / М.Махмудов тарж. Т.: Янги аср авлоди, 2010, С144.

⁹⁴ Аристотель. Сочинения в 4 т-х. Т.1. М.: Мысль, 1975. С. 198.

⁹⁵ Гегель Г.В.Ф. Эстетика: в 4 т-х. Т.1. М.: Мысль, 1973. С.79-81.

ва жузв иккилиги орқали тушунтирилади. Кулл – бутун борлиқ (материя + рухоният) жузв унинг бирор аъзосигина эмас, балки тажалли (кўриниш) шаклидир. Ишқ ва нур ҳам шундай диалектик муносабатда, агар зотда ишқ бўлмаса, унинг тажаллиси нур ҳам бўлмайди. Фаридиддин Аттор фалсафасида ишқ (мазмун) нур (тажалли) воситасида намоён бўлади, лекин Куллнинг барча сифатларини етказиб бера олмайди⁹⁶. Жалолиддин Румий тушунтиришича, маъни ишқ талқинида кўринади, сурат эса ишқ нуридир. У ишқсиз қийматдан маҳрум. Ишқ маъно, моҳият касб этгани учун ҳам маънидир. Маънининг нури эса сурат бўлиб жилваланади. Ишқ бўлмаса, нур ҳам бўлмайди, ишқнинг ўзи ҳам бизга нурсиз, яъни суратсиз етиб келмайди⁹⁷.

«Фиҳи мо фиҳи» («Нимаики Ундаридир Ундандир») асарида бу муносабатни англатувчи қизиқ мисол берилган. Мағиз пўст (данак) ичида эканини биз бевосита кўрмасак-да, яхши англаймиз ва унга эришиш учун пўстдан воз кечиб, уни синдирамиз. Гўёки данак керак эмасдай, ортиқча қобиқдай туюлади. Бироқ бу – бир марталик етишиш холос. Ундан доимий суратда наф кўриш учун эса уни уруғ сифатида ерга экиб, кўпайтириш лозим. Лекин экин пайтида биз мағизни пўстдан ажратмаймиз, агар уни ажратмоқчи бўлсак, пўст (шакл)ни нобуд қиласиз, лекин барибир мағиз (маъно)га ҳам эриша олмаймиз⁹⁸. Демак, ҳар бир жисмнинг икки хоссаси ўзаро тажаллий (диалектик) муносабатдагина тараққиётга изн беради⁹⁹.

Араб мумтоз поэтикасининг асосий унсурларидан саналган *маъно ва лафз* моҳият ва унинг сўз қолипи маъносида қўлланилган, анъанавий мазмуннинг индивидуал муаллиф талқинидаги ифодаси сифатида қабул қилинган¹⁰⁰. Араб поэтикасининг асоси саналган *маъно* истилоҳи машҳур арабшунос олимлар томонидан “фикр, ғоя” (Голдциер, 1896; Крачковский, 1927), “поэтик мотив”

⁹⁶ Аттор Ф. Илоҳийнома / насрий таржима, талқин ва тафсир муаллифи Н.Комилов. Т.: Ёзувчи, 1994. Б.74.

⁹⁷ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 84.

⁹⁸ Румий Ж. Ичиндаги ичиндадир / Таржимон Улугбек Ҳамдам. Т.: Ёзувчи, 1997. Б.79.

⁹⁹ Батафсил маълумот учун қаранг: Болтабоев Ҳ. Сурат ва маъни / Шарқ мумтоз поэтикаси. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. Б.67

¹⁰⁰ Куделин А. Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII-XI век). М.: Наука, 1983. С.7.

(Грюнебаум, 1944; Риттер, 1954), “фикр, моҳият, образ” (Шидфар, 1974) деб таржима қилинган бўлса, *лафз* (*кўплиги – алфоз*) – “ифода” (Гольдциер, 1896), “сўз, ифода” (Грюнебаум, 1944), “ифода, товушлар бирикмаси” (Крачковский, 1927), “сўзлар, нутқ ифодаси” (Киктев, 1969; Риттер, 1974) тарзида русчага ўгирилган¹⁰¹. Ушбу таржималардан маълум бўлишича, *маъно* – мазмун, ғоя ва моҳиятни англатган бўлса, *лафз* – унинг материал жиҳати, яъни товуш, сўз орқали ифодаланишини билдирган. Ибн Кутайба “Шеър ва шоирлар китоби” (870) асарида бадиий матнларни маъно ва лафзга кўра қуидаги туркумларга ажратган: 1) яхши лафз ва маъноли асарлар; 2) лафзи яхши ва маъноси ёмон асарлар; 3) лафзи ёмон ва маъноси яхши асарлар; 4) лафзи ёмон ва маъноси ҳам ёмон асарлар¹⁰². Бундай таснифга келишда муаллиф лафз ва маънони бириктурувчи нисбат (эътилоф) сифатида уларнинг ўзаро teng келиши (мусовот)ни назарда тутади. Ибн Кутайба талқинича, агар маъно лафзга тўла мос келса, у бадиият (балоға)га эришган бўлади¹⁰³. Қудама ибн Жаъфар (в. 922/948) эса “Нақду-ш-шеър” асарида “тугал маънога лафз қўшимча қилмаса ёки маънони бузувчи унсурни лафзга қўшмаса” асар етук бўлишини таъкидлаган. Бу жараёнда олим “вазн талаби билан кераксиз сўз (маънога хизмат қилмайдиган – Ҳ.Б.) ҳисобига байтни тўлдириш (хашв)ни шеърдаги жиддий нуқсон” деб белгилаган¹⁰⁴. Кўринадики, ўрта асрлар араб поэтикасида ҳам маъно ва шакл бирлиги адабиётнинг асосий қонунларидан саналиб, уларнинг ўзаро меъёр ва мувофиқ келиши бадиий матннинг етуклигини англатувчи балоғат белгиси ҳисобланган. Араб мумтоз поэтикасида *маъно ва лафз* муносабати ҳақида ўнлаб рисолалар яратилганки, уларнинг айримлари номаълум муаллифнинг “Мажмуату-л-маъни” тўпламида келтирилган¹⁰⁵. Араб мумтоз поэтикасидаги

¹⁰¹ Ўша асар. Б. 57.

¹⁰² Ибн Кутайба. Аш-Ши’р ва аш-шу’ара’. Т. 1-2. Бейрут, 1969. Б.12-15 (араб тилида).

¹⁰³ Ўша асар. Б. 84-85.

¹⁰⁴ Қудама ибн Жаъфар. Китаб нақд аш-ши’р. Лейден, 1956. Б.136.

¹⁰⁵ Улар: Муфаддал Дабби (в. 780/787) “Китаб ма’ани аш-ши’р”, айни шу номдаги Абу Сарван ал-Укли (VIII асрнинг 2-ярми), Ибн Кунас (в. 823-825), Асмаи (в. 825-832), Саид ибн Масада ал-Ахфаш (в. 830). Ибн Арабий (в. 846). Абу-л-Амайсал (в. 854), Ибн Кутайба (в. 889), Бухтури (в. 897), Салаб (в. 904), Наххас (в. 950), Ибн Абдус (в. 859-860); “Китабу-л-ма’ани” номли Муарриж

ушбу фундаментал қарашлар асосида маъно ва лафз хусусида форс ва турк тилида ҳам фикрлар баён қилинган.

Абдураҳмон Жомийнинг “Силсилату-с-заҳаб” асарида: “Сўзниң бутунлиги, мағзи, моҳияти маъно биландир, чунки маъно кўрки лафз биландир” дейилган¹⁰⁶. Тушуниладики, лафз (тил) маънонинг зоҳиридир, маънони сўз, тилсиз ифода қилиб бўлмайди. Чуқур маъно бериш учун эса кўркли лафз керак. Маъно лафз билан кўркли бўлгани каби, лафз ҳам маъно гўзаллиги билан кўркли бўлади. Бу буюк иккиликни бутун ва гўзал ҳолда кўриш учун уларни доимий яхлитлиқда билиш ва қабул қилиш лозим бўлади.

Алишер Навоий бу диалектик бирликни бадиий асар мисолига кўчирган: «Бир неча сўз ул маънидаким, сўздағи маъни жоне дуурким, сўз қолиби онсиз қолибе дуурким, жонсиз ва ани топмоқ ишини киши билмас, балки ани топқон киши топилмас ва аҳли ғазоф ноин соғлигига мунсиф бўлмоқ, балки ўз ғазофига инсоф бериб, аларнинг узрин қилмоқ»¹⁰⁷. Буюк “Хамса” ўқувчиларига маълумки, бу Навоийнинг мазкур мавзудаги бир мақолотининг сарлавҳаси холос. Маъно ҳақида сўз юритганда, у сўз қолипининг жонидир, жонни колипдан ажратиб бўлмайди, шундай экан, маъно ва сурат ажралмас бир моҳиятдир. Уни назмда кўрмоқчи бўлганлар, уларни бир бутунликда кўришлари, вазн ва баҳр каби зоҳирий сифатларни, шеърнинг жонидан ажратмаслиги, аксинча, қолип жонга муносиб келгандагина жозиб бўлади. Лафзи bemaza, таркиби суст асарда маъни ҳам носара ва унинг хулосаси нодуруст бўлади¹⁰⁸.

Демак, сурат ва маъно муносабати бири иккинчисини тақозо қилган, факат ўзаро мавжудликдагина ҳаракатга келиши мумкин бўлган жон ва жасаддир. Диний тушунчага қўра жон, жасад тарзида намоён бўлган бу

Садуси (в. 819), Надр ибн Шумайл (в. 818-820), Али Райҳоний (в. 834) асарлари. Қаранг: Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. Bd 2. Poesie bis ca.430. Leiden, 1975. pp. 58-60.

¹⁰⁶ Абдураҳмон Жомий. Силсилату-с-заҳаб / Танланган асарлар (Тузувчи ва сўзбоши муаллифи Ш.Шомуҳамедов). Т.:Faafur Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.

¹⁰⁷ Алишер Навоий. Ҳайрату-л-аброр. / МАТ. 7-жилд. Т.: Фан, 1991. Б.62.

¹⁰⁸ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P 78.

талқин тасаввуфда янада чуқурлашиб, *руҳ-жон-нағс* тарбияси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Адабий асарнинг бундай муҳташам фундаментал аспектини ўрганиш натижасида поэтика илмида *дихотомик* муносабат шаклланган бўлиб, унга кўра шакл ва мазмуннинг турли аспект ва компонентларини шартли равишда фарқлаб англатишга интилиш бор. А.Потебня бу иккилик муносабатини учлантириб, *ташқи шакл, ички шакл ва мазмун* сифатида талқин қилган¹⁰⁹. М.Бахтин бу учланганликни ифодалаган “Бадиий сўз санъатида мазмун, материал ва шакл муаммолари” (1924) асарида ёзиича, “шаклни материал деб тушуниш фақат аник фанлар – математик ёки лингвистик – белгиланишдирки, у қандайдир соф ташқи, моментнинг қадридан ҳоли, унинг тартибидир. Шаклнинг эмоционал-эркин тиғизлигидир, унга муаллифнинг материалдан ташқари муҳим ифодавий характерли қандайдир аҳамиятли муносабатидир... ёки бу шакл орқали ифода қилинаётган – ритм, гармония, симметрия ва бошқа шаклий моментлар билан ифодаланиб, ўта фаоллик бағишлишидирки, фақат уни материалга муносабатдагина шарҳлаш мумкин”. Олимнинг ёзиича, адабий ҳвёт санъат асаридан ташқарида содир бўлмайди, балки унинг ичидадир. Шундай экан, “Эстетик шакл бу англанган, баҳолангандар борлиқ (материал)ни бошқа бир қадриятга айлантиради, янги бирликларга бўйсундиради, янгича тартиблантиради: индивидуаллаштиради, конкретлаштиради, уни чеклайди ва тугаллайди, лекин унинг англанган ва баҳолангандар қайтара олмайди: айни мана шу англанганлик ва баҳолангандар тугалланган бадиий шаклга йўналади”¹¹⁰.

Немис олими Р.Ингарден эса адабий асар қурилишида тўрт унсур: 1) нутқнинг овозлилиги; 2) сўзларнинг маъноси; 3) тасвиридаги предметлар даражаси; 4) предметлар шаклларининг эшитарли ва қўришли қиёфаси иштирок этишини таъкидлаган¹¹¹.

¹⁰⁹ Потебня А.А. Эстетика и поэтика. М., 1976. С.309-310.

¹¹⁰ Введение в литературоведение. Хрестоматия. М.: Высшая школа, 2006. С. 49.

¹¹¹ Ingarden R. Das literarische Kunstwerk. Tübingen, 1960.P.80.

Шундай қилиб, бадий асар таркибининг кўппланлилиги юзага чиқмоқдаки, уларнинг бадий асар тўқимасидаги ўрни, вазифаси, моҳияти бир бутунликда кўринади. Лекин улар шартли равишда мантиқан қуидаги жиҳатларни ўзида акс эттириши мумкин: биринчидан, бошланғич поэтик бирлик сифатида нарса ва ҳодисалар дунёси, иккинчидан, асар шакли бадий тўқима тарзида қуриладики, унинг «тўқувчиси» – муаллиф томонидан ишланган, ўша асар табиатига мослаштирилган бадий нутқ орқали шакллантирилади; учинчидан, барча ҳолатлар композиция воситасида бирлашади ва яхлитлик касб этади. Бадий шаклнинг бундай уч босқичли характеристини белгилаш орқали унинг мундарижавий томонлари ҳам белгиланади. Бу жиҳатлар анъанавий тарзда ғоя (идея, бадий ният), материал (мавзу) ва ўша асар воситасида илгари сурилаётган проблема (муаммо)ни бирлаштиради. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, баддий мазмун қандайдир алоҳида сўзлар ва сўз бирикмалари орқали эмас, балки муаллиф концепциясида бирлашиб, яхлит ҳолга келади. Шунинг учун айрим тадқиқотчилар «ғоя» ва «муаммо» тушунчаларини бирлаштирган ҳолда муаллиф концепцияси тушунчасини илгари сурадилар. В.Е.Хализев «бадий асар дунёси» («мир произведения») истилоҳи орқали бирлаштириб, унинг таркибиға персонаж, портрет, диалог ва монолог, предмет (нарса), табиат (пейзаж), макон ва замон, сюжет ва бошқа жиҳатларни киритади¹¹². Агар назариётчи илгари сурган «асар дунёси»ни мантиқан ўрганганимизда буларнинг ҳаммаси бадий асарда шакл компонентлари тарзида юзага чиқаётганини кузатамиз. Бундан асарнинг бошқа бир teng ҳуқуқли жиҳати – бадий мазмун озор топмасмикин, деган мулоҳаза ҳам туғилади¹¹³.

Шунинг учун ҳам бу борадаги сўнгги кузатишларда шакл ва мазмун тушунчалари адабий асарнинг ташқи жиҳати билан ички хусусиятларини борлиқ ва унинг мавжудлик шаклида фарқлашга қаратилгани учун мазмун – белгиланувчи жиҳат деб қаралса, унинг белгиловчиси шакл орқали юзага чиқиши айтилмоқда.

¹¹² Хализев В.Е. Теория литературы. С.183-242.

¹¹³ Contemporary Poetry. N. Williams. Edinburgh University Press. P.90.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс. Структурал таҳлилни амалга ошириш учун мумтоз поэтикага тааллуқли истилоҳ ва тушунчалар базасини аниқланг.

2-кейс. Адабий тур ва жанрлар асосида мумтоз бадиий матнинг таҳлилга тортилиши мумкин бўлган сатҳларини белгилаб чиқинг ва унинг аниқ адабий асар мисолида тушунтиринг.

3-кейс. Структурал таҳлилга асос бўлган академик мактабларнинг таҳлил тажрибасини аниқланг ва уларнинг намояндлари таҳлил қилган асарлар орқали ушбу таҳлил жараёнининг структурал поэтика сари ривожланиш босқичларини белгилаб беринг.

Фикрингизни ёзма равишда асосланг.

4-кейс. Мумтоз поэтика масалаларини таҳлил қилиш усулларини жамлаган дастур тузинг ва ушбу дастур асосида олий таълим тизимида ўқитилаётган асарлардан бирини таҳлил қилинг.

Дастурнинг ишлиши тамойилларини тушунтиринг.

5-кейс. Шакл ва мазмун компонентларини бирлаштирган структурал таҳлил тамойиллари бўйича мумтоз шеърий матнларнинг аниқ таҳлил намунасини беринг ва унга кўра Алишер Навоий ғазалларидан бирининг таҳлилини амалга оширинг.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот тъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудиовизуал ҳаракат; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши

Кейс. Кичикроқ бадиий (шеърий) матнни таҳлил қилиш учун
кўрсаткич ишлаб чиқилади, мазкур методнинг ижобий ва салбий томонлари
киёсланади ва хулоса чиқарилади.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари ва мустақил таҳлил учун топшириқлар

1. Миғологик мактаб ёки тарихий поэтика (У.Дуглас, А.Н.Веселовский);
2. Психолингвистик мактаб ва назарий поэтика (А.Потебня);
3. Формал мактаб вакилларининг қарашлари (умумий адабиётлар таснифи)
4. В.Шкловский ва унинг “Наср назарияси” асари.
5. Б.Жирмунский ва унинг «Поэтиканинг вазифалари» асари.
6. Эйхенбаум ва унинг «Наср ҳақида», “Назм ҳақида” асарлари.
7. Структурал методга фалсафий ёндошув.
8. Ролан Барт ва фаранцуз структурализми.
9. Экзистенционализм концепцияси ва структурал методлар.
10. Психоаналитик концепция (Фрейд ва неорейдизм).
11. Структур лингвистика асослари. Р.Якобсон.

12. Бадиий адабиётда структурализм
13. Адабиётшуносликда структурал метод.
14. Структурал поэтиканинг Ю.Лотман томонидан ишланиши.
15. Алишер Навоий ғазалларидан бирининг структурал таҳлили.
16. “Бобурнома” асаридаги тимсоллар тизимининг структурал таҳлили.
17. Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари композициясида структурал таҳлил элементлари.
18. Фитратнинг «Абулфайзхон» драмасида тарихий ҳақиқат ва будий тўқима.
19. Чўлпон ва Фитратнинг Беҳбудийга бағишлиланган шеърлари қиёсида структурал таҳлилнинг иштироки.
20. А.Қодирийнинг ҳажвиялари образларининг структураси.
21. А.Қахҳор “Анор” ҳикоясининг структурал таҳлили.
22. “Сароб” романида эпик структура.
23. Ойбек шеърларида пейзаж структураси.
24. “Шум бола” қиссасида эпик таркибланиш.
25. “Кўхна дунё” романи композицияси структурал сатҳ сифатида.
26. Шукур Холмирзаев ҳикояларида сюжет таркиби.
27. Ўткир Ҳошимов “Икки эшик ораси” романида давр ва қаҳрамон мутаносиблиги.
28. Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни” достони лиро-эпик сатҳ сифатида.
29. Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” достонида эпик ва лирик талқин уйғунлиги.
30. Тоғай Мурод романлари ритмик структураси.
31. “Лолазор” романида мистификация ва қаҳрамон табиати.
32. Назар Эшонқул ҳикояларида постмодернистик таркиб.
33. Усмон Азим шеъриятида оҳанг ва мазмун мусабати.
34. Замонавий асарлардан бирининг структурал таҳлили.

VII. ГЛОССАРИЙ

Анализ ва интерпретация, шакл ва мундарижа систем функционал, мифологик (этнографик) мактаб, мотив, сюжет, назарий поэтика, Рус формал мактаби, сюжет ва композиция, фабула ва архитектоника матн таркиби, шакл ва мундарижа, мавзу, ғоя, муаммо (проблематика), услуб, пафос, бадий нутқ вазн, қофия, банд (строфика), белги (знак), моҳият (значение) – ижодкор, трактовка, дешифровка (шифрлаш - белгилаш), расшифровка, модел назарияси, персонаж, қаҳрамон, характер, тип, символ пейзаж,, сатҳ ва сегмент, фабула, поэтик лексика, нутқ интонацияси, поэтик синтаксис, подтекст, контекст, ритм, маромийлик, ритмик акцент, наср ва назм, эпос, лирика, драма, паремия, эпос сатҳи, структуал поэтика, мавзу, жанр, вазн, ижодий манера, ижодий индивидуаллик, метод ва методология.

Термин	Лугавий маъноси	Ўзбек тилидаги шархи
Текст, теория текста	матн матн назарияси	Ёзма муроқот учун мўлжалланган, муайян вазифани бажарувчи бирлик.
Структура, структурал анализ, структурал метод,	таркиб, структурал таҳлил, структурал метод	Бадий матннинг ички таркиби, унинг таҳлил усулари ва бу усулларнинг йиғиндиси сифатида ўрганувчи соҳа
Семиотика	белгишуниослик	Муроқот назариясида белгилар ахбороти учун мўлжалланган соҳа ва унинг таълимотлари
Герменевтика	талқиншунослик	Бадий матн талқинига

		оид фарашлар, талқин йўсинлари ва усуллари ҳақидаги фан.
Мифологик мактаб	Миф (оғзаки ижод намуналари асосида) таҳлил қилишга асосланган қарашлар	XIX аср бошларида вужудга келган, акад. А.н.Веселовский томонидан асос солинган академик мактаб.
Мотив	Воқеа, силсила	Муайян адабий асардаги асосий воқеалар тизими ва уларнинг ҳаётий асослари
Сюжет	Кетма-кетлик, изчиллик	Бадий асардаги воқеалар, туйғулар ва фикрларнинг изчил тизими
Поэтика	Бадииятшунослик	Баддият ҳақидаги фан, бадииятшунослик
Конфликт	Зиддият, қарама-қаршилик	Бадий асардаги қикрлараро ва характерлараро зиддиятлар бирлиги
Композиция	Қисм, бўлак.	Структурал поэтикада асарнинг таркибий қисмларигина эмас, уларнинг ўзаро мавжудликдаги ҳолат ва алоқадорлик қонунияти.
Фабула	Воқеа, асос	Бадий матннинг асасий воқеалари тизими.
Архитектоника	Бош мавзу, масала.	Бадий асардаги асосий

		қисмлар, боблар, бўлимлар ва фасллар. Уларнинг ўзаро уйғунлиги
Форма	Шакл	Бадий матндаги мазмунни етказувчи воситалар мажмуи
Проблематика	Муаммо	Бадий матнда илгари сурилган масалалар мажмуи
Пафос	Муносабат	Матнда муаллифнинг ўз тасвир объектига муносабати.
Строфика	Бандшунослик	Поэтиканинг шеърий матнлар банди билан шуғулланувчи соҳаси
Модел	Асос, сурат	Бадий асарда акс этган борлиқнинг тасаввурый шакли, манзараси
Характер	Шахс, шахсият	Бадий матндаги ўзига хослиги билан ажралиб турувчи тимсол ёки қаҳрамон
Тип	Умум, бирлик	Бадий матнда умумлаштирилган жаҳслар ва жамият тимсоли
Пейзаж	Манзара	Бадий асардаги табиат тасвирига бағишиланган тимсол ёки манзара,

		кўриниш
Поэтик лексика	Бадиий сўз ҳақидаги бўлим	Поэтиканинг сўзнинг маънодорлиги, маъно қатламлари билан шуғулланувчи соҳаси
Нутқ интонацияси	Нутқ оҳангдорлиги	Оҳанг асосига қурилувчи нутқий бирликлар мажмую
Поэтик синтаксис	Бадиий нахв	Матндаги жумлалар қурилиши ва уларнинг ўзаро мкносабти ҳақидаги поэтиканинг соҳаси
Подтекст	Матности	Матн орқали юборилган ахборотдан ташқари унинг замирида кўзда тутилган маъно
Контекст	Ўзаро матн	Матнда барча поэтик бирликларнинг ички алоқадорлиги
Ритм	Маром, маромийлик	Бадиий матнда бир хил сўз ёки бошқа воситалар асосида такрорланувчи моҳият
Ритмик акцент	Ритмик нутқ	Ритмик паузалар орасидаги маъновий бирлик
Эпос	Ривоят, воқеа	Бадиий матннинг воқеа ва ривоят асосига қуриладиган адабий тури
Лирика	Нафис шеърият	Адабий турларнинг

		муаллиф ички кечинмалари ифодасига бағишиланган жиҳати
Драма	Ҳаракат	Бадий матнинг нутқ ва ҳаракат асосига қуриладиган саҳна варианти
Паремия	Кичик, ушоқ	Фольклор назариясидаги кичик адабий турларнинг умумлаштирувчи соҳаси
Структуал поэтика	Таркибий поэтика	Бадий матни таркиблаб ўрганишга бағишиланган поэтика соҳаси
Жанр	Тур, навъ.	Бадий матнинг муайян қонуниятлар асосига қурилган тури. Мумтоз поэтикада ҳар бир жанрнинг строфик, ритмик ва рифмик хусусиятлари аниқ бўлади.
Метод	Йўл, йўналиш	Бадий матнда ёзувчи назарда тутган усул ва услублар мажмуи

VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти. Самарқанд, 2014 йил 15-16 май // Халқ сўзи. 2014. 16 май.

II. Меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Т., 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 9-сон, 225-модда.
3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 11-12-сон, 295-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўtkазиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўtkазиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797 сонли Фармони.

II. Махсус адабиётлар

1. Шарқ мумтоз поэтикаси (тузувчи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти, 2008.
2. Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. – Т., 2015.
3. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Наука, 1989.
4. Жирмунский В.М. Теория стиха. – М.: Наука, 1975.
5. Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии. Анализ поэтического текста. – Санкт-Петербург, 1996.
6. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Наука, 1990.
7. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. Т.: Янги аср авлоди, 2011.

8. Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.
9. Wilpert G. von. Sashwörterbuch der Literatur / 7. Aufl/ Stuttgart.
http://web.cn.edu/kwheeler/lit_terms.html
10. Barthes Roland. A propos de deux ouvrages de Claude Levi-Strauss: Sociologie et socio-logique // Informations sur les Sciences sociales. Unesco, dec. 2012. I, 4.
11. Cohen J. Structure du langage poetique. Paris: Flammarion, 2006.
12. Jakobson R. Essais de linguistique generale. Paris, Minuit, 2009, ch. 11
13. Ruwet N. L'analyse structurale de la poesie // Linguistics, 2, dec. 2013.
14. Analyse structural d'un poeme francais // Linguistics, 3, janv. 1964.
15. Nerys Williams. Contemporary Poetry. Edinburgh University Press, 2011

IV. Интернет ресурслари (сайтлари)

1. www. tdpu.uz
2. www. pedagog.uz
3. www. Ziyonet.uz
4. www. edu.uz
5. tdpu-INTRANET. Ped